ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШГА ШАЙЛАНАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 165 (11.611) | 16 июль, шанба 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1960 йил 15 июлда ўз ишини давом эттирди.

Саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақида қилинган докладлар юзасидан эрталабки мажлисда бўлган музокараларда С. А. Христианович (академик, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими президиуми раисининг биринчи ўринбосари), А. И. Гаевой (Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг секретари), Г. И. Чоговадзе (Грузия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), А. Н. Несмеянов (СССР Фанлар академиясининг президенти), Ш. Р. Рашидов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари), С. И. Кувикин (Бошқирдистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), И. Т. Новиков (СССР электростанциялар қурилиши министри), В. Ф. Гогин (Лисичанск кимё комбинатининг директори), К. Д. Петухов (СССР Министрлар Совети илмий техника Давлат комитетининг раиси), Б. Овезов (Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми 14 июлда Москвада ўз ишини давом эттирди. Пленум саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг бориши ҳақида қилинган докладлар юзасидан эрталабки мажлисда бўлган музокараларда С. А. Христианович (академик, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими президиуми раисининг биринчи ўринбосари), А. И. Гаевой (Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг секретари), Г. И. Чоговадзе (Грузия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), А. Н. Несмеянов (СССР Фанлар академиясининг президенти), Ш. Р. Рашидов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари), С. И. Кувикин (Бошқирдистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), И. Т. Новиков (СССР электростанциялар қурилиши министри), В. Ф. Гогин (Лисичанск кимё комбинатининг директори), К. Д. Петухов (СССР Министрлар Совети илмий техника Давлат комитетининг раиси), Б. Овезов (Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Эрталабки мажлис СССР Министрлар Совети Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат Комитетининг раиси **А. И. Костоусовнинг** доклади билан бошланди.

Ўртоқ А. И. Костоусов доклади

Бизнинг халқ хўжалигимиз тобора кучли суратда юксалмоқда. А. И. Костоусов КПСС XXI съезди қабул қилган улуғвор программани бажаришда катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини исбот этувчи маълумотлар келтирди. Етти йиллик планда машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулотини ҳар йили ўрта ҳисобда тахминан 10 процент кўпайтириш кўзда тутилган эди, машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 1959 йилда 15 процент кўпайди, 1960 йилнинг биринчи ярмида эса, ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан 17 процент ортди.

СССР Министрлар Совети Автоматлаштириш ва машинасозлик Давлат Комитетининг бутун иши, дейди Ўртоқ Костоусов, партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини бажаришга қаратилди, жумладан партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми муносабати билан ташкил этилган виставкага қўйилган машина-ускуналарнинг эскириб қолган нусхаларини алмаштириш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилди. Виставкада кўрсатилган 355 машинанинг 88 тасини ишлаб чиқариш 1959 йилда тўхатилди. Шу йил планига мувофиқ, яна 170 машина-ускуна ишлаб чиқаришни тўхатиш кўзда тутилган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати учун машина-ускуналар яратиш ҳақидаги бир қанча қарорлари қандай бажарилаётганлиги текшириб чиқилди. Бу чора янги техникани вужудга келтириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш, халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналарнинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф килишда иттифоқчи республикалар Министрлар Советларига ёрдам кўрсатиш имконини берди. Комитетнинг таклифига мувофиқ, машинасозлик саноатида асосий илмий-тадқиқот институтларининг кучлари билан илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини мувофиқлаштириб олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Комитет раиси яна қуйидагиларни айтди: Иттифоқчи республикалар, СССР министрликлари ва бошқармаларининг планларига мувофиқ, ўтган йили ва шу йилнинг биринчи ярмида илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида 1.700 дан кўпроқ катта тадбирлар амалга оширилди. Корхоналарни машиналар билан таъминлаш кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш ҳажмини ошириш имконини берди. Аммо, КПСС XXI съездининг шу масала ҳақидаги қарори саноатнинг кўпгина тармоқларида ҳали жуда суст амалга оширилмоқда.

Оғир қўл меҳнатига барҳам бермоқ учун зарур машина ва механизмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда транспорт ишларини механизациялаш воситаларини тайёрлайдиган ихтисослаштирилган тармоқни ҳам вужудга келтириш керак.

Сўнгра, Ўртоқ Костоусов комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган цех ҳамда корхоналарни вужудга келтириш тўғрисида гапиради ва бу соҳадаги иш миқёсларини ҳали етарли деб ҳисоблаш мумкин эмас, дейди. Типовой схемалар ва турли корхоналарни автоматлаштириш воситаларининг йўқлиги лойиҳалаш ишларида параллелизмни вужудга келтиради ва илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг кучларидан ноўрин фойдаланишга сабаб бўлади. Саноатнинг турли тармоқларида тажрибанамуна корхоналарини қисқа вақт ичида вужудга келтириш, уларда комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришнинг энг янги типовой схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни саноатда кенг жорий қилиш керак. Комитет республикалар ва халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида 81 тажриба-намуна корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқди. Тажриба-намуна корхоналарининг 1965 йилда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги салмоғи қуйидагича бўлади: чўян — 30 процент, пўлат — 24 процент, прокат — 28 процент, юк автомобиллари — 27 процент, подшипниклар — 17 процент. Тажриба-намуна корхоналарини энг муҳим халқ хўжалиги қурилишлари қаторига киритиш, уларни маблағ ва материал-техника билан тўлиқ таъминлаш зарур.

(Давоми иккинчи бетда)

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари янги дарё кемаларини кўздан кечирдилар

14 июлда Москванинг Шимолий дарё портида А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Я. Э. Калнберзин, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, М. Г. Первухин ўртоқлар, СССР Иттифоқчи Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг раислари ҳамда Москва область ва шаҳар партия комитетларининг, КПСС Ленинград ва Горький область комитетларининг секретарлари, СССР министрлари, Давлат Комитетларининг раислари ва Москвада бўлаётган КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг бошқа бир қанча қатнашчилари янги дарё кемаларини кўздан кечирдилар ҳамда янги тезюрар «Метеор» пассажир теплоходида Москва номли канал бўйлаб Клязьма сув омборигача сайр қилдилар.

Сув ости қанотларига эга бўлган бу кема «Красное Сормово» заводида қурилган бўлиб, синовдан ўтган ва пассажир флоти сафига қўшилмоқда. Теплоход 150 пассажирни соатига 70—75 километр тезлик билан ташиш учун мўлжалланган.

«Метеор» типидаги кемалар ва илгари қурилган «Ракета» типидаги кемалар дарё флотига узоқ линияларда ҳам, областлар ички линияларида ҳам пассажирларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш имконини беради.

«Красное Сормово» заводининг сув ости қанотларига эга бўлган кемалар бўйича бош конструктори Р. Е. Алексеев изоҳлар бериб турди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Клязьма сув омборидан Москвага РСФСР дарё флоти министрлигининг закази бўйича Чехословакияда қурилган уч палубали замонавий «Комарно» пассажир теплоходида қайтиб келдилар.

Сайр вақтида Ўртоқ Н. С. Хрушчев, шунингдек КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳамда бошқа ўртоқлар янги кемаларни муфассал кўздан кечирдилар, пассажирларнинг салонларида ва каюталарида бўлдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев янги дарё кемаларини кўздан кечирганида уларга юксак баҳо берди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг, КПСС Марказий Комитети Пленуми қатнашчиларининг сафарида РСФСР дарё флоти министри З. А. Шашков ҳамроҳ бўлди. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

<>

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд қиладиларки, Қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 17 декабрда «1960 йилда республика колхоз ва совхозларида пахта етиштириш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни комплекс механизациялашни янада ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган қарорида ҳосилни машинада териб олиш юзасидан кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида амалга оширмадилар.

Машина билан терилади ган участкаларни ажратиш томоналмаган, айрим ҳолларда эса участкалар расмият учунгина ажратилган бўлиб, кўчатни нормал ўстирган ва пахтани эрта очилтирган ҳолда, мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш имкониятини берадиган табақалаштирилган агротехника тадбирлари ишлаб чиқилмади ва амалга оширилмади.

Кўпгина РТС, колхоз ва совхозларда пахта териш техникасини ремонт қилиш ёмон бормоқда. 6921 та пахта териш машинасидан 1148 таси тахт қилинган, холос. Пахта териш машиналарининг Самарқанд областида атиги 5,6 проценти, Андижон областида 13,1 проценти, Хоразм областида 11,8 проценти, Қорақалпоғистон АССР да 11,8 проценти тайёрланган. Кўсак чувилиган ва кўрак узадиган машиналарни ремонт қилишнинг аҳволи бундан ҳам ёмонроқ. Техникани сифатсиз ремонт қилиш фактлари содир бўлмоқда.

«Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш» ва «Ўзбекхлопкомаш» заводлари белгиланган номенклатурадаги запас қисмларни ўз вақтида тайёрламадилар, бу эса, пахта териш техникасини ремонт қилиш суръатига ёмон таъсир қилмоқда.

Ишни икки сменада ташкил қилиш учун зарур миқдорда механик-ҳайдовчилар танлаш бирорта ҳам областда тамомлангани йўқ. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактаблари ҳузурида пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларидан 4000 кишининг малакасини ошириш юзасидан белгиланган план атиги 64 процент, шу жумладан Бухоро областида 20 процент ва Сурхондарё областида 40 процент бажарилди.

РТС ва совхозлар ҳузурида ташкил қилинган курсларда планда кўзда тутилган 5700 киши ўрнига фақат 3010 киши қайта тайёргарликдан ўтди. Фарғона, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССР совхозларида, шунингдек Самарқанд областининг совхоз ва РТС ларида механик-ҳайдовчиларни тайёрлашга ҳали киришилгани йўқ.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, собиқ Тошкент ва Фарғона халқ хўжалиги кенгашлари, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг айби билан машинада терилган ҳосилни қопқанорсиз ташишга тайёргарлик кўриш яхши ташкил этилгани йўқ. Пахта ҳосилини қоп-қанорсиз қабул қилиш учун тайёрлов пунктларини жиҳозлашда машина терилган ҳосилни ташиш талаблари ҳисобга олинмаётир. «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари 115 та қабул қилиш-узатиш установкасини ва уларга керак бўладиган 20 метрлик транспортёрларни етказиб беришни кечиктирмоқдалар.

Тайёрлов пунктларида машинада териб олинган пахтани қуритиш ва тозалаш учун белгиланган қуритиш-тозалаш цехларини қуриш чидаб бўлмайдиган даражада секин бормоқда, республика корхоналари бу цехларга керакли ускуналарни етказиб беришни кечиктирмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳосилни машинада теришга тайёргарлик кўришнинг даражаси республика пахтакорларининг бу йил камида 500 минг тонна пахтани машинада териб оламиз, деб ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларига бутунлай жавоб бермайди, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг маҳаллий органларидан, область ва район партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларидан, колхоз, РТС ва совхозларнинг раҳбарларидан пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш чораларини кўришни, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 17 декабрдаги қарорида кўзда тутилган тадбирларнинг ҳаммасини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилдилар.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига қуйидагилар таклиф қилинди:

Пахтаси машинада териш учун ажратилган участкаларнинг аҳволини дарҳол текшириб чиқиш ташкил этилсин. Ғўзаси ривожланишдан кейинда қолган участкалар ўрнига ғўзаси нормал ўсаётган далаларни ажратиш 25 июлдан кечиктирмай тамомлансин, мўл ҳосил етиштириш мақсадида ана шу участкаларда табақалаштирилган агротехника тадбирлари, комплекси амалга оширилсин ва пахта барвақт очилтирилсин.

Пахта териш машиналарида ишлаб тажриба орттирган энг яхши механизаторлар орасидан механик-ҳайдовчилар танлаб олиш ва уларни ўн кун муддат ичида район партия комитетлари бюросининг тасдиғидан ўтказиш тамомлансин. Қўшимча таълимга ва қайта тайёрланишга муҳтож бўлган механик-ҳайдовчилар аниқлаб чиқилсин. Механик-ҳайдовчилар сони жиҳатдан пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашини таъминлайдиган бўлсин. Механик-ҳайдовчиларнинг ўқишини 1 сентябрдан кечиктирмай батамом тугаллаш мақсадида механизация мактаблари, шунингдек, РТС ва совхозлар ҳузурида пахта териш машиналарида ишловчи механик-ҳайдовчилар малакасини ошириш машғулоти дарҳол бошлаб юборилсин. Август ойининг иккинчи ярмида колхоз ва совхозларда пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг иш тажрибаларини алмашиш юзасидан семинарлар ўтказилсин.

(Давоми учинчи бетда)

ПЛЕНУМГА СОВҒАЛАР

⊙ *Конимех районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт, қоракўл тери ва тухум сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар ҳамда давлатга сут ва жун сотиш ярим йиллик планларини анча ошириб бажардилар. Гўшт сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саккиз баравар оширилди.*

⊙ *Навоий районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда давлатга сотишни кескин суратда кўпайтириш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт, тухум ва қоракўл тери сотиш йиллик планларининг анча ошириб бажарилишини таъминладилар.*

⊙ *Гулистон районидаги Сталин номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олдилар ва бу мажбуриятларни шараф билан бажардилар. Давлатга икки йиллик планга тенг келадиган миқдорда — 107,5 тонна гўшт, шу жумладан 60 тонна мол гўшти, 15 тонна қўй гўшти, 2 тонна чўчқа гўшти сотилди. Давлатга жун сотиш планининг 126 процент, пилла сотиш планининг 115 процент, тухум сотиш планининг 188 процент ҳамда давлатга сут сотиш ярим йиллик планининг 143 процент бажарилиши таъминланди.*

Қардошларимиз Ўзбекистонда

Кеча эрталаб ўзбек пахтакорларининг вакилларидан 21 киши Сталинободга жўнаб кетди.

Шу куни республикамизга Тожикистон ССР пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ҳам келди. Бригада составида ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, механизаторлар — жами 22 киши бор.

Атоқли пахтакор — Кўрғонтепа шаҳридаги Сталин номли колхоз раиси Ҳ. Турдиев, Сталинобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Деҳқонова, Тожикистон ССР Фанлар академияси деҳқончилик институтининг илмий ходими Ш. Бурнашев, Тожикистон Қишлоқ хўжалик министрлигининг инженер-механизатори Ҳ. Мўминов ва бошқа ўртоқлар қизғин кутиб олинди.

Бригадага Тожикистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Ҳ. Н. Мирзоянц бошчилик қилади.

Тошкент аэропортида меҳмонларни кутиб олиш пайтида Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Ҳ. Жалилов, Тошкент область партия комитетининг секретарлари Э. Т. Шайхов, Ҳ. Р. Мусахонова, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари М. Мирзааҳмедов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Жалилов ва бошқа ўртоқлар бор эди.

Мусобақадош қардош Тожикистон республикасидан келган вакиллар Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областларида бўлиб, колхоз, совхозларда олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан танишадилар.

КПСС Марказий Комитетининг тарихий июль Пленуми давом этаётган шу кунларда республикамиз пахта далаларида мусобақадош Туркманистон ва Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаларининг бўлиши айниқса қувончлидир. Халқимиз ўз дўстларини ҳамма жойда зўр қувонч билан кутиб олмоқда.

Сиз кўриб турган суратдагилар қардош Тожикистон ва Туркманистон пахтакорларидирлар. 1. Тошкентга келган Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари. 2. Туркманистон пахтакорлари Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз далаларида.

Р. ШАМСИДДИНОВ, Ш. МЎМИНОВ фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАРИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИМИЗДА



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда)

Янги техникани вужудга келтириш соҳасидаги ишлардан кузатилган асл мақсад — бу техникани халқ хўжалигида кенг жорий қилишдан иборат. Шу муносабат билан докладчи ускуна, машина ва приборларнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқара бошлаш масаласига тўхталиб ўтади. Планга мувофиқ, ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида саноат маҳсулотларининг 759 янги турларини биринчи марта кўплаб ишлаб чиқариш керак эди. Ҳақиқатда эса, маҳсулотларнинг 425 тури бўйича план бажарилган. Янги техникани кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришнинг секин бораётганлигига бир қанча ҳолларда жиддий сабабларнинг бири шуки, буюмларнинг биринчи нусхалари сифатсиз ишланмоқда.

КПСС XXI съездининг шу етти йилликда капитал маблағларни асосан ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайтадан қуроллантиришга сарф қилиш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш машина-ускуналар тайёрлаш учун қилинадиган сарфлар салмоғини кўпайтиришни тақозо этади. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, мамлакатда эскириб қолган ва кам унумли 350 мингдан кўпроқ металл қирқувчи, ёғочсозлик, темирчилик-пресс ва қуйиш ускуналарини алмаштириш учун юқори унумли тахминан 210 мингта машина, станок ва агрегатларни тайёрлаш кифоя қилади. Эски машина-ускуналарни янгилари билан алмаштириш 250 мингдан кўпроқ кишини бошқа ишлар учун бўшатиш имконини беради ва халқ хўжалигига йилига уч миллиард сўмча маблағни тежайди.

Ҳозирги пайтда, деди ўртоқ Костоусов, машинасозлик ва асбобсозликнинг энг муҳим тармоқларини жадал ривожлантириш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Якин йиллар ичида машинасозликда қўшимча қувватларни вужудга келтирмоқ учун янги корхоналарни тезроқ қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш керак. Корхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш лойиҳаларини тайёрлаш учун иттифоқчи республикалар, халқ хўжалиги кенгашлари, СССР Госстройи, РСФСР Қурилиш министрлигининг лойиҳа ташкилотларини бу ишга кенг жалб этиш зарур.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда машинасозликнинг 125 минг хилдан кўпроқ машина, прибор ва буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу соҳадаги ишларни таҳлил этиб кўрганда, буюмларнинг типларини қисқартириш ва энг тежамли ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин эканлиги аён бўлиб қолади. Бунинг учун ҳар бир соҳада зарур машина ва приборларнинг асосли номенклатурасини ишлаб чиқиш керак. Автоматлаштириш ва машинасозлик комитети ихтиёридаги 37 илмий-тадқиқот институти ва бошқа бошқармаларнинг 80 дан кўпроқ институти ана шу муҳим вазифани амалга оширишга киришдилар. Бошқа институтлар, шунингдек конструкторлик ташкилотлари ҳам, қандай бошқармаларга бўйсунишларидан қатъи назар, бу вазифани ҳал этишга жалб қилиниши лозим.

Ўртоқ Костоусовнинг докладида машина-ускуналарни модернизация қилиш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилди.

Ўртоқ Б. Е. Патон доклади

Украина ССР Фанлар академиясининг электр пайвандлаш институти директори **Б. Е. Патон** қуйидагиларни айтди: Пайвандлаш техникасига доир масаланинг КПСС Марказий Комитети Пленумида муҳокама қилинаётганлиги Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети бу ишга катта эътибор бераётганлигини исбот этади. Пайвандлаш техникани тараққий эттиришнинг кучли воситаси бўлиб қолди. Пайвандлаш ёрдами билан саноат ва қурилишда қисқа вақт ичида тубли ўзгаришлар ясалди ва ясалади. Пайвандлаш металлдан, электр қувватидан, меҳнатдан тежамлироқ фойдаланиш имконини беради.

Замонавий пайвандлаш техникаси асосида вагонсозликда, оғир машинасозликда, кемасозликда, труба ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда чинакам техника революцияси бўлди.

Пайвандлашнинг хилларидан бири бўлган наплавка қилиш йўли билан, тез ишдан чиқиб қоладиган машина ва механизмлар деталларининг ишмуддатини узайтириш ва янги деталларнинг мустаҳкам бўлишини анча ошириш мумкин. Наплавка ишлари металлургия ва кон-руда саноатида айниқса ривожланди. Пайвандлаш техникани тезроқ тараққий эттириш ва бинобарин, капитализм билан иқтисодий мусобақада вақтдан ютиш имконини беради.

Докладчи айтадики, партия ва ҳукумат қарорларида шу етти йилликда пайвандлаш техникасини ривожлантириш аниқ белгилаб берилди. 1965 йилга келиб, пайвандланган конструкциялар ишлаб чиқариш ҳажми 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд ортиши лозим. Бутун халқ хўжалигида пайвандлаш ишларини механизациялаштиришнинг ўртача даражаси 1958 йилнинг бошида эришилган 11 процентдан 1965 йилда 40 процентгача ортади. Айрим пайвандлаш операцияларини механизациялаш ва автоматлаштиришдан бутун технология процессини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга, поток автомат линияларга ўтиш каби жуда муҳим вазифа қўйилди. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, пайванд қилинган конструкциялар ишлаб чиқариш и н г планда кўзда тутилганича ортиши ва пайвандлаш ишларини механизациялаш даражасининг кўтарилиши 1965 йилнинг охирига келиб қарийб 20 миллиард сўмни тежаш ва бу маблағни халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига сарфлаш имконини беради.

Олим пайвандлаш усули ишлаб чиқаришга қандай жорий қилинаётганлигини конкрет фактлар билан кўрсатади. Ана шу прогрессив усул билан конструкциялар ишлаб чиқариш 1959 йилда қарийб 7,6 миллион тоннани ташкил этди ва 1958 йил даражасидан тахминан 30 процент ортди. Республикаларнинг кўпчилиги ўтган йили конструкциялар ишлаб чиқариш планини ошириб бажарди. Конструкцияларни қўлланиш қарийб 650 миллион сўмни тежаш имконини берди.

Мамлакатнинг саноати пайвандлаш ишларини механизациялаш соҳасида олға қараб катта қадам қўйди. Украинанинг асосий саноат районларида бу иш яхши йўлга қўйилган, Олтой ўлкаси, Г о р ь к и й, Ленинград, Москва (область ва шаҳар), Свердловск, Сталинград ва Челябинск халқ хўжалиги кенгашлари бу соҳада анча катта муваффақиятларга эришдилар. СССР халқ хўжалигида дуга шаклида пайванд қилиш учун қарийб 12 минг автомат ва ярим автомат ҳамда 40 мингдан кўпроқ контактли машиналар бор. Булар эса, Европадаги мамлакатларнинг ҳар биридаги миқёслардан, механикалаштирилган дуга шаклидаги пайвандлаш бўйича эса АҚШдаги миқёслардан ҳам анча ортиқдир.

Ўртоқ Патон айтадики, ёрдамчи операцияларни механиза ц и я л а ш учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқ л а р н и н г бажарилмаётганлиги пайвандлаш саноатини комплекс механизациялашга катта путур етказмоқда. Бундай машина-ускуналарни ишлаб чиқармоқ учун ихтисослаштирилган бир қанча заводни вужудга келтириш керак. Сирланган электродлар ва легирланган пайвандлаш симлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш суст бормоқда. Кадрлар тайёрлашда ҳам жиддий камчиликлар бор. Докладчи заготовкаларни марказлаштирилган тартиб.да пайванд қиладиган база ва цехлар вужудга келтириш зарур эканлигини таъкидлайди.

Бу ерда, деди докладчи, янги пайванд қилиш техникасини жорий қилиш ишларини ўз оталигига олган Украина комсомолининг ажойиб ташаббусини алоҳида уқтириб ўтиш керак. ВЛКСМ Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади. Ихтисослаштирилган пайванд қилиш корхоналари ва заводлари, электрод цехлар қурилиши комсомолларнинг кучи билан қуриладиган иншоотлар деб эълон қилинди. Ишлар пайвандлашнинг механикалаштирилган методларини эгаллаш мажбуриятини олдилар, заводларнинг цехларидагина эмас, балки лойиҳалаш ташкилотларида ҳам заклёпкага қарши қаттиқ кураш очдилар. Бу ташаббусни ҳар томонлама қувватлаш керак.

Ўртоқ Патон докладининг қисмларидан бири янги конструкцияли материаллар — букилган профиллар, мустаҳкам ва жуда мустаҳкам пўлат, кўп қатламли прокат, алюминий ва титан қотишмалар, синтетик материалларни қўлланишга бағишланди.

Биз, деди олим, Пленумга хурсандчилик билан шу нарсани маълум қиламизки, электр пайвандлаш институти Челябинск трубопрокат заводи билан ҳамкорликда магистрал газ қувурлари учун керакли қувурларни пайванд қилиш суръатини соатига 210 метргача ошириш юзасидан олган мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Чет элдардаги труба заводларида пайванд қилишнинг бундай суръатларига эришилган эмас.

Институт порошокдан ясалган сим билан ярим автоматик пайвандлашнинг янги усулини ҳам ишлаб чиқди. Бу усул монтаж шароитида ишларни механизациялаш даражасини анча оширади. Челябинск металл конструкциялари заводининг коллективи ана шу прогрессив усулни муваффақиятли суратда эгаллади.

Ўртоқ Патон докладининг охирида бундай деди: Совет мамлакатининг пайвандлаш фани гоят юксалмоқда. Совет мамлакатининг ўз сафларида уч юз мингдан кўпроқ кишини бирлаштирган пайвандчилар армияси партиямизнинг коммунистик жамиятни тезроқ қуриш учун техникани янада тез суръатлар билан тараққий эттириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга ошириш мақсадида ўзининг бутун куч, бутун билими, маҳорати ва ғайратини сарф қилади.

* * *

Докладлар тамом бўлди. Пленум қатнашчилари докладларни муҳокама қилишга киришадилар.

КПСС Горький область комитетининг секретари **Л. Н. Ефремовга** сўз берилади. Горький областининг саноат ходимлари, дейди у, 1959 йилда давлат планини муддатидан илгари бажардилар, шу йилнинг биринчи ярмида ҳам улар пландан ташқари кўпгина маҳсулот бердилар. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида эришилган суръатлар горькийликларга машинасозлик маҳсулотлари бўйича 1962 йилга планлаштирилган даражага 1961 йилдаёқ эришиш, пўлат ва прокат ишлаб чиқаришнинг 1963 йилга мўлжалланган даражасига эришиш имконини беради.

Нотиқ айтдики, область саноат корхоналарида эскириб қолган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланиб, янгилари билан алмаштирилмоқда. Бир ярим йил ичида янги машина, механизм, приборларнинг 155 тури яратилди. Асбоб-ускуналарнинг техника жиҳатидан мукаммалроқ турларини ўзлаштириш прогрессив технология базасида амалга оширилмоқда.

Нотиқ областдаги ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш масалаларига тўхталди, заводларни реконструкция қилишда нақадар катта резервлар борлиги ҳақида гапирди. Ўртоқ Ефремов кимё саноати ишлаб чиқаришини автоматлаштириш соҳасида эришилган муваффақиятларни кўрсатиб, ҳозир айрим автомат асбоблар область корхоналарида тайёрланаётганлигини айтди. Лекин бу етарли эмас. СССР ва РСФСР Госпланлари, СССР Министрлар Советининг кимё бўйича Давлат Комитети Халқ хўжалиги кенгашлари билан биргаликда қисқа муддат ичида янада қудратлироқ илмий техника базалари яратишлари, кимё саноатини автоматлаштириш учун хилма-хил воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари зарур.

СССР Фанлар академияси Автоматика ва телемеханика институтининг директори академик **В. А. Трапезников** сўзга чиқади. У автоматика соҳасидаги илмий-тадқиқотларни кенг авж олдиришнинг ҳамда бу қашфиётларни тез жорий қилиш учун шароит яратишнинг муҳимлигига эътиборни алоҳида жалб қилди.

Ўртоқ Трапезников айтадики, бизнинг фанимиз энг ривожланган капиталистик мамлакатлар фанидан кўп жиҳатдан ўзиб кетди. Назарий ва экспериментал ишлар натижасида совет олимлари автоматика, телемеханиканинг кўпгина мураккаб асбобларини, шу жумладан космик ракеталарни автоматик бошқариш системасини лойиҳалаш ва қуришга эришдилар. Бизнинг олимларимиз бир қанча янги гояларни олга сурдилар. Бу гоялар ҳозироқ кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Шу билан бир вақтда Ўртоқ Трапезников таъкидлаб айтдики, автоматизация соҳасидаги тадқиқот ишларидан янгиликнинг саноатга жорий қилинишигача жуда кўп вақт ўтиб кетмоқда. Бу эса, техника тараққиётига халақит бермоқда.

Нотиқ илмий-текшириш, лойиҳа-конструкторлик ишларига, экспериментал цехлар ва завод лабораторияларига маблағ ажратишни кўпайтириш ҳақида таклиф киритади. У, бўлажак маҳсулотни ишлаб чиқишнинг барвақт босқичидаёқ илмий-текшириш институтлари билан заводларнинг биргаликда иш олиб боришини ташкил этиш зарурлиги ҳақида гапиради.

Қозоғистон КП Марказий Комитетининг секретари **Д. А. Кунаев** ўз нутқида таъкидлаб айтдики, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг чақирилиши ҳақидаги хабарнинг олдиндан маълум қилиниши муҳим уюштирувчи ва сафарбар этувчи омил бўлиб қолди. Мазкур Пленумнинг чақирилиши ҳақидаги хабар Қозоғистон меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий ғайратини жуда ошириб юборди. Бу эса республикага саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ярим йиллик планини 24 июнда бажариш имконини берди.

Қозоғистон экономикаси гоят юксалмоқда. Бу ерда жуда бой табиий ресурслар хўжалик оборотига жалб этилмоқда. Яқинда Қарағанда металлургия заводининг биринчи домна печи фойдаланишга топширилди, бу билан республикада катта қора металлургияга асос солинди. Ҳозир Қозоғистон Магниткасининг қурувчилари, шунингдек Жезқазған, Усть-Каменогорск, Чимкент, Қарағанда қурувчилари янги қувватларни муддатидан олдин ишга туширишни учун астойдил қурашмоқдалар.

Бу йил Қозоғистон ССРда капитал қурилишига 17 миллиард сўмга яқин маблағни ўзлаштириш вазифаси турибди. Бироқ, дейди ўртоқ Кунаев, шу вақтгача республикада етарли даражада қувватли қурилиш базаси йўқ. Қурилиш ташкилотларида техника, металл, материалларга эҳтиёж сезилмоқда. Ана шу ҳамма соҳаларда марказий органлар катта ёрдам беришлари керак.

Ўртоқ Кунаев сўнгра Қозоғистонда яна икки-уч металлургия заводини қуришнинг мақсадга мувофиқ эканлиги масаласини қўяди. Иртиш—Қарағанда канали қурилиши ҳамда темир йўл қурилиши миқёсларини кенгайтириш ҳақидаги масалаларни узил-кесил ҳал этиш зарур дейди.

Минбарга КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Свердловск область комитетининг секретари **А. П. Кириленко** чиқади. Область партия ташкилоти, дейди у, ўз эътиборини ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришга, барча коммунистларни ва кенг меҳнаткашлар оммасини техника тараққиёти учун курашга жалб этишга қаратди.

Бу вазифани ҳал этишнинг муҳим шарти кадрлар танлаш ва тарбиялашдан иборатдир. Ҳозир Свердловск ташкилотидаги КПСС шаҳар ва район комитетлари биринчи секретарларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи олий маълумотга эгадир; корхоналардаги 500 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотларига инженерлик ва ўрта техника маълумотига эга бўлган партия аъзолари раҳбарлик қилмоқдалар. Кейинги вақтларда 4 мингдан кўпроқ инженер-техник ходимлар партияга қабул қилинди; илмий муассасалардаги коммунистлар сони қарийб 35 процент кўпайди.

Областда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун кураш чинакам оммавий тус олди. Саноат корхоналари ва қурилишларнинг бошланғич ташкилотларида корхона маъмурияти фаолияти устидан партия ташкилотлари контроли ҳуқуқини амалга оширадиган 2400 комиссия, шунингдек 60 мингдан кўпроқ кишини уюштирган 900 га яқин техника комиссияси ташкил этилди ва ишламоқда. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақалашаётган 150 минг киши, доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг 250 минг актив қатнашчиси ҳамда 110 мингдан кўпроқ рационализатор ва ихтирочилар иштирок этмоқдалар.

Конструкторлик бюролари ва экспериментал базаларини мустаҳкамлаш юзасидан катта иш қилинди. Кейинги йилларда корхоналардаги конструкторлар сони қарийб 2 минг киши миқдорида кўпайди. Корхоналарнинг техника хизматларида янги техникани жорий қилувчи инженерлар сони икки баравардан зиёдроқ ошди.

10 мингдан кўпроқ кишини уюштирган ж а м о а т конструкторлик бюролари ва иқтисодий анализ группаларининг ташкил этилишидан иборат фактда меҳнаткашлар ижодий активлиги ва ташаббусининг ошганлиги ёрқин намоён бўлди.

Сўнгра Ўртоқ Кириленко техника тараққиёти учун курашнинг конкрет натижалари ҳақида маълумотлар келтирди. Область металлурглари печ тубининг ҳар бир квадрат метридан 8,53 тонна пўлат олишга эришдилар. Машинасозликда слесарлик-йиғиш операцияларини механизациялаш учун 20 дан ортиқ поток линиялари, юзларча установкалар яратилди, кўпгина миқдордаги юксак унумли технология процессларя жорий қилинди. Ўтган ярим йилнинг ўзида эскириб қолган 40 та машина ишлаб чиқаришдан олиб ташланди; йил охиригача камида 300 янги конструкция ўзлаштирилади. Конструкторлар етти йиллик мобайнида 1200 янги машина, прибор ва аппарат яратиш, уларнинг таннархини бир миллиард сўмлик миқдорида камайтириш мажбуриятини олдилар.

Область меҳнаткашлари, дейди ўртоқ Кириленко, янги ошириллган мажбуриятлар — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси бўйича ва меҳнат унумдорлиги бўйича етти йиллик планни қўшимча капитал маблағ сарфламасдан беш йилда бажариш мажбуриятини қабул қилдилар.

СССР Фанлар академияси чала ўтказгичлар институтининг директори академик **А. Ф. Иоффе** ўз нутқини техника прогрессининг энг муҳим манбаларидан бири бўлган чала ўтказгичлардан фойдаланиш соҳасида совет олимлари қилаётган ишларга бағишлади. У, айтдики, ҳозироқ йигирмадан кўпроқ ишлаб чиқариш чала ўтказгичларга асосланмоқда, лекин бу катта ҳаракатнинг бошланишигинадир. СССРда бу соҳада илмий-тадқиқотлар юзасидан ҳам, ишлаб чиқариш юзасидан ҳам катта муваффақиятларга эришилди, айрим масалаларда эса, совет инженерлари ва олимлари биринчиликни қўлда сақлаб турибдилар.

Академик Иоффе совет олимларининг янги тадқиқотлари ҳақида гапириб, энг яқин вақт ичида ҳеч қандай машинасиз, ҳеч қандай қозонларсиз иссиқликни тўғридан-т ў ғ р и электрга айлантиришда фойдали иши 12—15 процентга етказиш мумкин бўлади, деб ҳисоблайди. Олимлар шу етти йиллик мобайнидаёқ қаттиқ чала ўтказгичлардангина эмас, балки газ шаклидаги чала ўтказгичлардан ҳам термоэлементлар яратиш мумкин бўлади, деб умид қилмоқдалар. Бунда иссиқликни тўғридан-тўғри (машинасиз) электрга айлантиришда фойдали иш коэффициенти 50 процентга, балки 60—70 процентга етиши мумкин. Термоэлементлардан фойдаланиш туфайли совутиш саноати олдида ҳам янги перспективалар очилади. Сигнал бериш, масофадан бошқариш ва автоматика воситалари, ҳамма ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш, электрон ҳисоблаш машиналарининг иши оддийлашади ва осонлашади. Чала ўтказгичлар ёрдами билан бутун ўлчов техникаси гоят соддалашади ва яхшиланади.

Кузнецк металлургия комбинати пўлат тахта прокати цехининг старший вальцовкачиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Г. Картавихга** сўз берилади. У ишлаб чиқаришнинг ички резервларини топиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан корхонада қилинаётган катта ишлар ҳақида гапирди. Ишчиларнинг жуда актив иштироки билан етти йиллик-да металл ишлаб чиқаришни илгари белгиланган 17 процент ўрнига 48 процент ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Яқин тўрт-беш йил ичида комбинатни автоматизация ва механизация бўйича тажриба-намунали корхонага айлантириш кўзда тутилади. Ҳамма цехларни реконструкция қилиш вазифаси турибди. Бу катта ишда, коллектив қабул қилган мажбуриятни бажаришда комбинатга СССР Госплани, Гипромез ва СССР Министрлар Советининг автоматизация ва машинасозлик бўйича Давлат Комитети ёрдам кўрсатиши зарур.

Кузбасс металлурглари, дейди ўртоқ Картавих, етти йилликни муваффақиятли бошладилар. Биз Магнитогорск металлургларини коммунистик меҳнат комбинати номини олиш учун мусобақага чақирдик, магнитогорсклик дўстларимиз бу чақириқни қабул қилдилар.

Корхонанинг кўп минг кишилик коллективи, деб давом этади ўртоқ Картавих, халқаро воқеаларни эътибор билан кузатиб турибди. Бизлар ҳаммамиз ҳукуматимизнинг қатъий ва принципиал сиёсати билан ҳамда Никита Сергеевич Хрущ е в и н н т тинчлик учун курашдаги фаолияти билан фахрланамиз.

Комбинатимизнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари номидан айтмоқчиманки, дейди ўртоқ Картавих, биз Совет ҳукуматимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини тўла ва батамом маъқуллаймиз. Жаноб империалистлар шуни билиб қўйсинларки, совет металлурглари улуғ Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари сингари ҳар қандай агрессорни жиловлаб қўйиш ва янги уруш тарафдорлари ҳамда мамлакатимизга қарши игвогарлик ташкилотчиларини тийиб қўйиш учун ўз кучларини аямайдилар.

Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **В. Ф. Жигалин** айтадики, фан ва саноат ходимларининг ижодий ҳамкорлиги билан пойтахт корхоналарида ускуналар ва приборларнинг янги турлари яратилди, техника тараққиёти масалалари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Москва саноати юксак ток билан ишлайдиган автоматик асбоб-ускуналар, механизация воситалари, автоматик контроль приборлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда. Кейинги уч йил ичида Москвада машинасозлик учун 56 автоматик линия тайёрланди, етти йиллика эса, бундай линиялардан топширидаги 400 ўрнига 450 таси ишлаб чиқарилади.

Янги капитал қурилишлар олиб бормаган ҳолда ишлаб чиқаришни анча оширишга эришмоқ учун етти йилликда 32 корхона, 212 цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади.

Москва заводларида эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш юзасидан катта иш қилинмоқда, бу иш 1960—1961 йилларда тугалланади. Бу ишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техника даражасига вақти-вақтида ўтказиб турилаётган кўриклар муҳим роль ўйнамоқда. Масалан КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидан кейин кўриқларда юз мингдан кўп киши қатнашди. 16 мингдан кўпроқ саноат маҳсулоти кўриб чиқилди, булардан 5 мингтасини бошқаси билан алмаштириш ёки модернизация қилиш зарур деб топилди.

Ўртоқ Жигалин, сўнгра планлаштиришни, моддий техника таъминотини ва сотишни яхшилаш масалаларига тўхталди.

КПСС Ленинград область комитетининг секретари **И. В. Спиридонов** ленинградликлар техника тараққиёти суръатини қандай қилиб жадаллаштираётганликлари ҳақида гапириб берди. 1959—1961 йилларда 600 буюмни модернизация қилиш ҳамда машина ва приборларнинг 1600 намунасини янгидан ўзлаштириш кўзда тутилган эди, амалда эса шу йилнинг охиригача 600 дан кўпроқ буюм модернизация қилинади ва 1800 дан кўпроқ буюм янгидан ўзлаштирилади, шу жумладан 450 га яқин буюм эскириб қолганларнинг ўрнини босади. Шу тарзда мажбурият муддатидан бир йил илгари бажарилади.

Бу йил ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп янги машиналар, приборлар ва асбоб-ускуналар тайёрлаш мўлжалланмоқда. Ленинградликлар етти йилликнинг охиригача ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва контроль қилиш учун керакли бўлган бир миллиард сўмликдан кўпроқ турли хил приборлар ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажармоқдалар.

Ўртоқ Спиридонов илмий текшириш институтлари ва конструкторлик бюроларининг саноат корхоналари ва Халқ хўжалиги кенгашлари билан янада мустаҳкамроқ алоқасини ўрнатиш зарурлиги ҳақида мазкур Пленумда айтилган фикрларга қўшилиб, бу институтлар ва бюролар эътиборини илмий проблемаларни ҳал этишга ва принципиал конструкторлик ишларини бажаришга жалб этиб, иш лойиҳаларини заводларнинг конструкторлик бюроларига топширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бизнинг корхоналаримизда эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси, деди ўртоқ Спиридонов, чет элдардаги энг яхши заводлар даражасидан ҳали орқада қолмоқда. Технологиянинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мукаммал эмаслиги, кўл меҳнатидан ҳали кўп фойдаланилаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Бизда янги буюмлар лойиҳасини ишлаб чиқиш учун жуда кўп илмий текшириш институтлари, конструкторлик бюролари бўлса ҳам технологияни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасида ишлаётган институтлар ва бюролар бармоқ билан санарлидир. Технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини жиддий тарзда ошириш зарур.

Белоруссия ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **А. М. Тарасов** сўзга чиқади. Белоруссия корхоналарининг коллективлари, дейди у, ишлаб чиқарилаётган машиналар, приборлар ва бошқа буюмларнинг техника даражасини ошириш масаласига катта эътибор бермоқда. Икки йил ичида республикада энг муҳим асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш номенклатураси 90 процент янгиланади.

Автомобиллар, тракторлар, станоклар, йўл машиналарининг янги моделларини ўзлаштириш мамлакат халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. СССРда Белоруссия оғир самосвал автомобиллар етказиб берадиган бирдан-бир райондир. Бундай автомобиллардан фойдаланиш тажрибаси уларнинг жуда самарали эканлигини исботлади. Ҳозир бундай машиналар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш чоралари кўрилди.

Нотиқ, сўнгра янги машиналар яратишда нормализация ва унификация қилинган узел ва деталлардан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Ўртоқ Тарасов айтадики, марказий тармоқ илмий-текшириш институтлари республика корхоналарига кўрсатаётган ёрдам ҳали етарли эмас. Институтлар ва корхоналар фаолияти шу вақтгача координация қилинмаган, бу эса, ишда параллелизм келтириб чиқармоқда. Нотиқ, шунингдек илмий текшириш ва эксперименталл ишларни тамомлаш ўртасида узилиш бўлиб қолаётганлигини, янги асбоб-ускуналарнинг тажриба намуналарини яратиш билан уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўртасида кўп вақт ўтаётганлигини кўрсатади.

Ватанимиз кончиларни бой техника билан қуроллантирди, бугунги шахтёр, — асосан комбайн, кон қазувчи машина, электровоз машинисти ёки бошқариш пульти олдидаги оператор бўлиб қолди, — деди ўз нутқида «Чистяковантрацит» трести-даги Лутугин номли шахта кончиларининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. А. Кольчик.** Нотиқ, ўзи бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг иши ҳақида, кўмир сифатини ошириш учун бригада бошлаб юборган социалистик мусобақа тўғрисида гапириб берди. Инженерлар ёрдамида ёқилғи таркибидаги кулни ва кўзга ташланиб турган жинсларни камайтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Мусобақа бошлангунча бригада бўйича ҳар бир шахта вагонида кўзга ташланиб турган жинслар 176 килограмм бўлган бўлса, ҳозир у 85 килограммгача камайди. «Чистяковантрацит» тресті бўйича умуман кўмир таркибидаги кул нормадагидан 0,2 процент камайди, 350 минг сўм фойда олинди.

Ўртоқ Кольчик антрацитни ҳаддан ташқари майдалаб юбораётган кўмир қазиш комбайнларининг конструктив камчиликларини кўрсатиб ўтди. Кейинги вақтларда, деди у, кўпгина агрегатлар яратилди, лекин улар илгаригидек кўмирни тўла қимматли бўлмаган ёқилғига айлантирмоқда.

Илгор кончи машинасозлик корхоналарининг конструкторлари ва коллективларига мурожаат қилиб, антрацит кўмир қазиб олиш учун мукаммалроқ машиналар яратишга чақирди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумини, деди ўз нутқида Йўллар министри **Б. П. Бешчев,** темир йўлчилар барча меҳнаткашлар билан биргаликда техника тараққиётини жадаллаштиришга ва ички резервлардан яхшироқ фойдаланишга қаратилган ижодий активликларини оширган ҳолда кутиб олдилар. Темир йўл транспорти юк ташиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Электрофикация ва тепловозларни кенг жорий қилиш асосида транспортни техника жиҳатидан тўли реконструкция қилиш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу туфайли юк ўтказиш нагрузкаси ортиқча бўлган магистралларда поездларни ўтказиш имконияти кескин ошди, ишнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди, кўплаб маблағ тежаб қолинди. Темир йўл транспортида етти йиллик план асосий кўрсаткичлар бўйича ҳозироқ тахминан бир йил илгари бажарилмоқда.

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш базасида қўл меҳнатини тугатиш энг муҳим вазифаларда биридир. Станциялардаги ҳамма юк ортиш ва юк тушириш ишларини темир йўлларнинг воситалари билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Темир йўл станцияларини юксак унумли машиналар ва механизмлар билан жиҳозлаш талаб қилинади. Бундай машина ва механизмларни кўплаб ишлаб чиқариш махсус заводларда ташкил этилиши керак.

Ўртоқ Бешчев транспорти янги техника билан, жумладан мукаммалроқ локомотивлар билан таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳақида гапириб, бу йил дунёда энг йирик Москва—Иркутск маги с т р а л и н и электрлаштиришнинг тугалланишини хабар қилди.

* * *

15 июлда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

ХАЛҚ НАФРАТЛАНМОҚДА

ҚАҲР-ҒАЗАБ

Самарқанд, 14 июль. (ЎзТАГ). Область меҳнаткашлари Америка ҳарбийларининг янги игвогарлик ҳаракатини якдиллик билан қораламоқдалар.

«Ингичка» кони кончиларининг сўзлари ғазаб билан янграмоқда. 1-«Капитальная» шахтаси коммунистик меҳнат сменасининг бригада бошлиғи Абдуқодир Солиев ўз касбдошларининг фикр-ўйларини ифодалаб бундай деди:

— Империалистлар тинч турмаётирлар, чунки улар биз билан олиб борилаётган тинч мусобақада бардош беролмасликларини биладилар. Улар бир нарсани эсда тутсинларки, бир кун бориб бизнинг сабр косамиз ҳам тўлиши мумкин. Ана шунда адолатли қаҳр-ғазабимиз худди тоғ қулагандек уларнинг устига ёпирилиб тушади. Чегарада турган соқчиларимиз Ватанимиз соҳилларини, совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқлаб турибди. Биз бўлсак, бу ерда тинчлик душманларининг кирдикорларига жавобан тағин ҳам фидокорона меҳнат қилиб, севикли Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлай берамиз.

ШАРМАНДАЛИК

ФАРҒОНА (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Куйбишев номли ипак комбинатида биринчи смена иш тугатиши билан, пиллакашлик базаси ёнидаги катта майдонга 4 мингдан ортиқ киши йиғилди. Улар АҚШ ҳарбий самолётининг Совет Иттифоқи ҳаво чегарасини яна қўпол равишда бузганлиги туфайли тўпланган эдилар. Митингни комбинат партия комитетининг секретари Ўртоқ А. Қозоқов очди.

Пиллакашлар фикрини ифодалаган биринчи цех ишчиси Раҳмон Исоқов қуйидагиларни айтди:

— Америка агрессорларининг совет давлатига қарши қилаётган игвогарлик ҳаракати барча совет кишилари каби бизнинг катта коллективимизни ҳам ғазаблантирди. Биз тинчлик ва осойишталикнинг тарафдоримиз. Шу билан бирга ҳушёр кишилармиз. Кимки бизга ҳамла қилмоқчи бўлар экан унга қақшатқич зарба беришга ҳам тайёрмиз. Биз Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун астойдил ишлаймиз.

10-синфни битириб, ишлаб чиқаришга келган Л. Мишакова йигирув фабрикаси коллективи Ватанимиз қудратини ошириш учун йиллик планни 20 декабрдаёқ бажариш мажбуриятини олганини айтди.

Сўзга чиққан тўқувчи, бўёқчи, пардозловчилар Н. С. Хрущевнинг 12 июль матбуот конференциясида қилган баёнотини тўла маъқуллаб гапирдилар.

Қабул қилинган резолюцияда ипакчиларнинг қаҳр-ғазаби изҳор этилди. Комбинат коллективи йиллик программага қўшимча 8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

И. ТУХТАСИНОВ.

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда)

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети ҳар бир областда ва Қорақалпоғистон АССРда ҳосилни териб олиш учун қанча машина тайёрлаш кераклигини аниқлаб чиқиб, қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, РТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммаларига қуйидаги вазифаларни юкладилар:

10 кун муддат ичида ҳар бир РТС, колхоз, совхозда пахта териш техникасини ремонт қилиш ишининг аҳволи қандайлиги кўриб чиқилсин, пахта териш ва кўсак чувиш машиналарини ремонт қилиш яхши ташкил этилсин. Шу мақсадда зарур миқдорда ихтисослаштирилган ремонт бригадалари тузилиб, малакали ишчилар билан тўлдирилсин;

ҳар бир район, РТС ва совхоз бўйича пахта териш машиналарини 10 сентябргача ва кўсак чувиш машиналарини 25 сентябргача тўла ремонт қилиш ва тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда, календарь график тузиб чиқилсин ва тасдиқлансин. Бу графикларнинг бажарилиши устидан мунтазам назорат қилиб турилсин, аниқланган камчиликларни тугатиш учун оператив чоралар кўрилсин;

«СХМ-48» пахта териш машиналарини қайтадан тиклаш чоралари кўрилсин. Колхозларга қайта тиклананган «СХМ-48» маркали машиналарни сотиб олиш ва уларни «универсал-4» тракторларига тиркаб ишлатиш тавсия қилинсин.

Пахта териш техникаси ремонтининг сифатли бўлиши таъминлансин, бунинг учун қатъий ва оператив назорат ўрнатиб, бракнинг олди дарҳол олинсин. Ремонт қилинган ва тайёрланган машиналарни комиссия қабул қилиб олиши керак. Бу комиссия составига РТС ларнинг техника инспекторлари ҳам албатта киритилиши шарт.

Терим олдидан ғўза баргини ўз вақтида ва сифатли тўктириш машина теримини муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шарти эканлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик министрлиги, область, район партия ва совет органларига ғўза баргини ўз вақтида тўктириш учун зарур барча чораларни кўриш таклиф қилинди. Қишлоқ хўжалик министрлигига ғўза баргини тўктириш юзасидан жойларга тавсия бериш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети қишлоқ хўжалик министрлигининг ва область ташкилотларининг ғўза баргини терим олдидан тўктиришни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларини маъқулладилар. Республика бўйича жами 552 минг гектар майдондаги (трактор доралашни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ғўза баргини тўктириш, шу жумладан Тошкент областида 157 минг гектар, Фарғона областида 88,5 минг гектар, Андижон областида 79,5 минг гектар, Самарқанд областида 63,5 минг гектар, Бухоро областида 45 минг гектар, Сурхондарё областида 36 минг гектар, Хоразм областида 34 минг гектар, Қорақалпоғистон АССР да 48,5 минг гектар майдондаги ғўза баргини тўктириш кўзда тутилади.

Граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон бошқармасига ғўза баргини сунъий тўктириш учун 1960 йил 5 сентябргача етарли миқдорда самолёт ажратиш таклиф қилинди.

«Узглавторгмаш» га ғўза баргини терим олдидан сунъий йўл билан тўктириш учун зарур бўладиган кимёвий дориворлар фондини ўз вақтида ажратиш, омборлардаги кимёвий дориворларнинг яроқлилигини текшириб чиқиш, дори сочиш вақтида хизмат қиладиган кишиларни махсус коржомалар ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши зиммасига қишлоқ хўжалигига пахта териш машиналарини, тирков машиналарини, кўрак чувиш машиналарини, запас қисмларни, пахта териш пунктларига эса қабул қилиш-узатиш установкаларини ва уларга керак бўладиган 20 метрлик транспортёрларни, пахтани қоп-қаноРсиз ташишни таъминлаш учун «У—9-ВТХ» ва «ВТХ 8/2» вентиляторларини етказиб бериш вазифасини юклади. «Узглавторгмаш» зиммасига эса юқорида кўрсатилган техника ва асбобларни колхоз, совхоз ва РТС ларга ўз вақтида етказиб бериш ҳамда сотишни таъминлаш вазифаси юкланди.

Пахта ҳосилини қоп-қаноРсиз ташишнинг халқ хўжалигидаги жуда катта аҳамиятини ва уни пахта ҳосилини машинада териб олишда поток усулини қўлланишдаги катта ролини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари, колхоз, совхоз ва РТС ларнинг раҳбарлари зиммасига бевосита пахта териш машиналаридан қабул қилиб олиб, қуритиш-тозалаш цехларини мавжуд бўлган тайёрлов пунктларига олиб келиш мақсадида пахтани қоп-қаноРсиз ташишни кенг қўлланиш вазифасини юкладилар. 1960 йилда шундай усул билан 200 минг тонна, шу жумладан Тошкент областида 64 минг тонна, Фарғона областида 24 минг тонна, Андижон областида 33 минг тонна, Самарқанд областида 20 минг тонна, Бухоро областида 16 минг тонна, Сурхондарё областида 15 минг тонна, Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда 14 минг тоннадан ташилиши керак. Пахтани қоп-қаноРсиз ташиш учун барча трактор прицепларидан юқори унум билан фойдаланиш таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига машинада териб олиб, хирмонда қуритмасдан ва тозаламасдан қоп-қаноРсиз олиб келинадиган пахтани узлуксиз қабул қилиб олиш учун тайёрлов пунктларини ва қуритиш-тозалаш цехларни тайёрлаб қўйишни таъминлаш таклиф қилинди. Қурилиш министрлигига ва Халқ хўжалиги кенгашига қурилиши планлаштириб қўйилган қуритиш-тозалаш цехларини қуришни тезлаштириш ва бу цехларни 15 сентябрдан кечиктирмасдан ишга туширишни таъминлаш ҳақида топшириқ берилди.

Қишлоқ хўжалиги министрлигига, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига пахтани қоп-қаноРсиз ташишни кенг қўлланган ҳолда ҳосилни машинада териб олишга пухта тайёргарлик кўриш ва унинг намунали ўтказилишини таъминлаш таклиф қилинди.

1959 йилда ҳосилнинг анча қисмини машинада териб олган Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозларининг тажрибаси асосида ҳар бир областда 2—3 колхоз машина терими ва пахтани қоп-қаноРсиз ташиш юзасидан намунали тажриба хўжалиги сифатида белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Госпланига Қишлоқ хўжалик министрлиги ихтиёрига АОЛ-1 квадрат миллиметрли 40 километр сим, 3 минг комплект кўчма лампа, 40 километр кипер ленталари, 200 килограмм изоляция ленталари ажратиб бериш; қишлоқ хўжалигига пахта териш машиналари учун қўшимча равишда понасимон тасма ажратиб бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш; қишлоқ хўжалик министрлиги ихтиёридаги фондидаги брезент матоларни 20 процентга сотиб тамомлаш топширилди.

«Узглавторгмаш»га пахта териш машиналаридан терим вақтида тунда ҳам фойдаланиш учун шу машиналарни қўшимча жиҳозлашга керак бўладиган материалларни ва асбобларни ажратиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети август ойининг иккинчи ярмида пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг II съездини чақиришга қарор қилдилар.

Республика, область ва район газеталарининг редакторларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитетига пахтани машинада териб олишга тайёргарлик кўришнинг боришини матбуотда, радио ва телевидение орқали ёритиб бориш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалик органларининг, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши, колхоз, РТС ва совхозларнинг раҳбарлари олинган социалистик мажбуриятларни бажариш мақсадида пахтани машинада териб олишга тайёргарлик кўришни ўз вақтида тамомлаш учун қўлларидан келган барча чораларни кўрадилар, деб ишонадилар.

АВТОМАТИКА — ИШГА БАРАКА

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида (1959 йил) саноатни механизациялаш ва автоматлашнинг амалий тадбирлари белгилаб берилган эди.

Ўтган бир йил ичида мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигининг барча тармоқларига татбиқ этиш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Бу — 1959 йилда меҳнат унумдорлигини ошириш ва бир неча миллиард сўмлик маблағни тежашга имкон берди.

Бунда республика Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти коллективининг ҳам ҳиссаси бор.

Институтимиз кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналари, лойиҳалаш, планлаштириш ва илмий-текшириш ташкилотлари билан алоқани тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Ҳозир жуда кўп ишлар саноат корхоналари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда бажарилянти.

Институт олимлари республикамиздаги етакчи лойиҳалаш ташкилотлари ТашТЭП, гидроэлектропроектнинг Ўрта Осиё бўлими Ўрта Осиё Политехника институти, Ташэнерго билан ҳамкорликда Ўрта Осиёда ягона энергетика системасини ташкил қилиш масалаларини ишлаб чиқди. Табиий газдан энергетика ва технология мақсадларида фойдаланиш устидаги илмий ишлар анча кенгайтирилаётир. Лабораторияда табиий газда ишловчи юқори эффектли пахта қуритиш ускунаси тайёрланди ва уни шу йил саноат синовидан ўтказиш мўлжалланаётир.

Оҳангаронда маҳаллий хомашёдан юқори вольтли электр-чинни изоляторлари заводини қуриш мумкинлиги исботланди. «Икки сим—ер» системасини Мирзачўл, Хоразм области ва бошқа районларда қўлланишнинг рационаллиги илмий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Бу — қишлоқ хўжалигини тезроқ электрлаштириш ва линия қурилиш материалларини 30 процентгача тежаш имконини беради.

Институт коллективи ишлаб чиқаришни автоматлаш ва телемеханикалаш устидаги илмий-тадқиқот ишларини ҳам анча кенгайтираётир.

Институт Тошкент кабель заводининг каротаж кабелларининг сиртига пўлат симлар ўровчи икки сигар машинасини синхрон режимида ишлаш схемасини лойиҳалади ва ҳозир завод билан биргаликда уни монтаж қилиб, синовдан ўтказаётир.

Ўзбекистонда пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда суғориш системаларини янги техника билан таъминлашнинг аҳамияти жуда каттадир. Суғориш иншоотларини автоматлаш ва телебошқаришга кўчириш сув билан таъминлаш режимини яхшилайди, кўп миқдордаги сувни тежаш ва шу йўл билан янги ерларни ўзлаштиришга имкон беради, ернинг мелиорация ҳолатини тубдан яхшилайди ва суғориш системасида ишловчи ходимлардан бир неча минг киши кучидан хўжаликнинг бошқа соҳаларида фойдаланишга имкон беради. Институт ирригация каналлари ва унинг шохобчаларида сув сарфи ва сатҳини ўлчовчи ва бошқарувчи бир неча асбобларни ишлаб чиқди. Институтимизда яратилган телемеханика системаси Зах—Келес каналининг биринчива иккинчи навбатига ўрнатилди. У ҳозир синовдан ўтаётир. Жун ариғи учун мўлжалланган телесистема ва Туябўғиз сув омборига қўйилиши лозим бўлган контактсиз ярим ўтказгич ва магнит-элементлардан тузилган телесистема лаборатория синовларидан тўла-тўкис ўтказилди.

Бундан ташқари, институтда республика қимё, руда-тоғ, нефть-газ саноатларини автоматлаш устида ишлаш учун группалар ташкил қилинди. Группалар саноат корхоналарини автоматлаш даражасини синчиклаб ўрганаётирлар ва ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча қимматли тадбирларни саноатга тақдим этдилар.

Бу — дастлабки натижалар, холос. Ҳали олдимизда ишлаб чиқаришни автоматлаш бўйича қилиниши зарур бўлган жуда катта вазифалар турибди.

Шунинг учун ҳам умумий ишимизга тааллуқли бўлган баъзи масалалар устида фикр юритмоқчимиз.

Илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларининг автоматлаш устидаги ишларининг самарали бўлиши ва тезроқ ишлаб чиқаришга жорий қилиниши учун уларнинг тажриба базаларини ниҳоят даражада яхшилаш ва кенгайтириш лозим. Бир неча йилдан бери Узбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган экспериментал завод қуриш масаласи ҳақида гап бўлиб келаётир. Бизнингча, бу масалани тезликда ижобий ҳал қилиш вақти келди. Шунингдек, фанлар академиясининг техника йўналишидаги институтларида экспериментал-устахоналар ва конструкторлик группаларини кучайтириш ҳамда уларга юқори малакали ишчи ва конструкторларни жалб қилиш учун имконият яратиб бериш керак.

Янги техникани жорий қилишда заводлар ҳузуридаги автоматика лабораториялари ва конструкторлик бюроларининг роли жуда каттадир. Бунга Андижон нефть комбинатида тузилган конструкторлик бюроси, Янгийўл ёғ заводидаги автоматика лабораториясининг ижобий иши мисол бўла олади. Аммо ана шундай лаборатория ва группалар ташкил қилишга тегишли ташкилотлар етарли аҳамият бермаётир.

Илмий-тадқиқот институтларини техника-материал жиҳатидан таъминлаш ҳали ҳам яхши эмас. Кўп ҳолларда баъзи бир материал (монтаж симлари, магнит материаллар, ярим ўтказгичлар ва бошқалар) ва асбобларнинг ўз вақтида топилмаслиги зарур ишларнинг ойлаб орқага сурилишига олиб келаётир.

Республика Госплани ва Халқ хўжалиги кенгашлари илмий-текшириш учун керак бўлган материаллар фондини ташкил қилиши зарур. Илмий ташкилотлар ва инженерлар жамоатчилиги 3—4 йилдан бери республика Госплани ва халқ хўжалиги кенгашлари олдига республикада автоматик ва телемеханика асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи завод қуриш масаласини қўйиб келадилар. Аммо бу масала шу вақтгача ҳал бўлмаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ишлаб чиқаришни автоматлашга етарли аҳамият бермаётган раҳбар ходимлар ва ташкилотлар ҳали ҳам бор. Масалан, республика Сув хўжалиги министрлиги суғориш системаларини телемеханикалашда Жун каналини тажриба объекти қилиб танлаган эди. Негадир министрлик канал иншоотларини институтда яратилган телесистемани ўрнатиш учун тайёрлай олмаяпти. «Главголодностепстрой» бошқармаси эса юқорида кўрсатилган «Икки сим—ер» электр системасини лойиҳалаш ва ўз совхозларининг бирида жорий қилишга бош қўшмаётир.

Республикамизда жуда кўп илмий-текшириш, лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари ва саноат ҳамда бошқа соҳалардаги корхоналар юқори ихтисосли инженер ва ўрта малакали автоматика мутахассисларига муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё Политехника институтида автоматика ихтисослиги бўйича очилган бўлимни керакли даражада моддий ва материал база билан таъминлаш зарур. Тошкент техникумларидан бирида ҳам автоматикадан мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, шунингдек, бир қатор корхоналарда ишчилар малакасини ошириш курслари ташкил қилиш лозим.

М. ҲОМИДХОНОВ,
Н. ҒАНИХЎЖАЕВ,
техника фанлари кандидатлари.

ЗОМИН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми чақирилиши ҳақидаги хушхабар районимиз меҳнаткашларининг куч ва ғайратини ошириб юборди.

Пленум очилиш арафасида давлатга чорва маҳсулотлари сотиш бир йиллик плани барча турлар бўйича анча ошириб бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 минг центнер гўшт, 4 ярим минг центнердан зиёдроқ сут, 602 центнер жун, қарийб 2 миллион дона тухум кўп тайёрланди ва сотилди.

«Қизил чорвадор» совхози коллективи (директори Браилов, партия комитетининг секретари Турдиев ўртоқлар) чорва моллар сонини камайтирмаган ҳолда маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш ташаббусини бошлаб берди. Бу, совхоз бўйича давлатга чорва маҳсулотлари сотиш бир ярим йиллик планининг ярим йилда бажарилишини таъминлади.

Совхозда ажойиб меҳнат новаторлари етишиб чиқди. Ш. Ражабов, Г. Эшқўзиев, С. Аҳмедов, И. Қулибоев сингари чўпонлар, Т. Ўролов, Т. Очилов каби молбоқарлар, сут соғувчи ўртоқ Азимова ва бошқалар чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳозирдаёқ уч-тўрт йиллик топшириқни бажариб қўйдилар.

Гўшт, галла етиштиришни кўпайтиришда «Ударник» совхози салмоқли ўрин тутади. Мамлакатимизга донгги кетган чўчқабоқар Ярослав Чиж ва Жўра Султоновнинг тажрибаси совхозда кенг оммалаштирилди. Чўчқачилик тез орада сердаромад манбалардан бирига айланди. Чўчқабоқар Ўртоқ Кириловнинг бир ўзи 500 та чўчқа боқиб, гўшт етиштиришни кўпайтиришга катта ҳисса қўшяпти.

Партия ташкилотлари гўшт етиштиришни кўпайтириш учун янги-янги резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилади. Шу вақтга қадар иккинчи даражали ҳисобланиб келинган паррандачилик сердаромад тармоқлардан бирига айлантирилди. Совхозларимиз бу йил давлатга 300 тонна парранда гўшти сотиш учун курашмоқдалар.

Пленум арафасида район меҳнаткашлари яна бир муҳим масалани ҳал қилишга киришдилар. Районда галла ўрим-йиғими қизғин давом эттирилмоқда. Бу йил салкам 57 минг гектар ерда галладан мўл ҳосил етиштирилди.

Биз галла ўрим-йиғими даврида қуйидаги мақсадларни кўзда тутмоқдамиз. Давлатга галла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари 50 минг центнер галла сотиш, пландаги уруғлик фонди ва эҳтиёт фондини жамғариб қўйиш, чорва моллари учун етарли миқдорда ем ажратиш. Шунингдек, галласи ўриб олинган майдонларни тез фурсатда шудгорлаб, кузги галла экишга тайёрлаб қўйиш ҳам галлакорларимизнинг диққат марказида турибди.

Район галлакорлари шу кунга қадар давлатга 135 минг центнердан кўпроқ галла сотиб, социалистик мажбуриятни бажарай деб қолдилар. «Ударник», «Зомин» ва «Қизил чорвадор» совхозларида галла ўрим-йиғими ташкилий томондан айниқса уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Зомин — республикамизнинг йирик чорвадор, галлакор районларидан бири. Районимиз меҳнаткашлари бу йил чорва маҳсулотлари етиштириш юзасидан икки йиллик планни бажаришга аҳд қилишган. Биз мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашамиз.

О. РАЗЗОҚОВ,
Зомин район партия комитетининг биринчи секретари.

СУТ МЎЛ БЎЛСИН

Узбекистон ССР колхоз ва совхозларида 1960 йилнинг 6 ойи мобайнида ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут ва сут етиштириш планининг бажарилиши тўғрисида МАЪЛУМОТ

Областлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (килограмм ҳисобида)	Сут етиштириш планининг бажарилиши (процент ҳисобида)
Тошкент	935	47
Самарқанд	722	55
Бухоро	691	51
Сурхондарё	684	49
Фарғона	642	45
Андижон	641	42
Хоразм	632	47
Қорақалпоғистон АССР	500	47

* * *

Районлар ва шаҳарлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (килограмм ҳисобида)	Районлар ва шаҳарлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (килограмм ҳисобида)	Районлар ва шаҳарлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (килограмм ҳисобида)
Оржоникидзе	1497	Қамаши	718	Пахтаобод	620
Калинин	1435	Ўрта Чирчиқ	716	Ҳазорасп	615
Чиноз	1341	Конимех	714	Деҳқонобод	612
Ғиждувон	1090	Китоб	706	Свердлов	610
Янгийўл	1084	Оққўрғон	702	Чинобод	609
Наманган шаҳри	1016	Қарши	700	Андижон	604
Юқори Чирчиқ	974	Бўка	697	Уйчи	604
Ғаллаорол	943	Шўрчи	684	Косон	601
Андижон шаҳри	928	Ленинград	681	Жалақудуқ	600
Шеробод	899	Қўшкўпир	680	Қизилтепа	599
Ангор	885	Бойсун	679	Кува	598
Қўйи Чирчиқ	863	Косонсой	678	Фрунзе	591
Фарғона	861	Бағдод	676	Бешкент	586
Наманган	850	Гузор	676	Амударё	581
Зомин	848	Янгиқўрғон	674	Марҳамат	574
Самарқанд	845	Нурота	674	Хўжайли	568
Фарғона шаҳри	833	Ургут	674	Тўрткўл	557
Янги ер шаҳри	808	Чироқчи	673	Навоий	549
Фориш	805	Каттақўрғон	673	Хўжаобод	543
Пискент	792	Марғилон	671	Сталин	539
Жиззах	789	Бекобод	670	Хева	538
Иштихон	788	Нукус шаҳри	669	Когон	536
Учқўрғон	781	Поп	664	Хатирчи	533
Булунгур	779	Қорақўл	660	Олтиариқ	530
Ромитан	779	Пастдарғом	655	Ўзбекистон	519
Бўстонлиқ	778	Тўрақўрғон	648	Бухоро шаҳри	514
Кўргонтепа	777	Янгиариқ	646	Чуст	511
Пойариқ	775	Вобкент	642	Норпой	509
Бухоро	771	Сари Осиё	642	Хонқа	509
Денов	771	Ленин	641	Норин	507
Бўз	765	Урганч	640	Жомбой	506
Оқдарё	762	Шовот	639	Термиз	496
Охунбобоев	752	Олтиариқ	638	Куйбишев	494
Олмалиқ шаҳри	745	Пахтакор	637	Чимбой	490
Сирдарё	743	Ҳолдевонбек	636	Киров	490
Избоскан	742	Беруний	631	Балиқчи	463
Жарқўрғон	741	Гулистон	624	Кўнғирот	442
Яккабоғ	730	Шаҳрисабз	624	Тахтакўпир	407
Қўқон шаҳри	725	Ворошилов	623	Мўйноқ	383
Ғурлан	722	Шофрикон	621	Кегайли	377
				Янгиер шаҳри	174

ИНСОН СОҒЛИҒИ УЧУН

Қардош Қирғизистон пойтахти Фрунзе шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари морфолог олимларининг биринчи илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 35 кишидан иборат Ўзбекистон олимлари делегацияси ҳам қатнашди.

Делегацияга Тошкент медицина институтининг нормал анатомия кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор Р. И. Худойбердиев раҳбарлик қилди. Конференция ишларида Тошкент, Самарқанд, Андижон медицина институтлари, Тошкент жисмоний тарбия институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси ўлка медицинаси институти морфология лабораторияси илмий ходимлари қатнашди. Профессор Р. И. Худойбердиев, профессор Б. А. Стекольников, профессорлардан М. Н. Холқўзиев, З. Х. Рахматуллин, И. Г. Мордерштейн, Я. А. Раҳимов, доцентлардан С. А. Долимов, К. З. Зуфаров, Л. И. Элькинд, ёш олимлардан М. Ғ. Ғуломов, О. М. Мухторов, М. С. Соатов, Б. Ғ. Ғаниев, Г. М. Толмокова, С. К. Триантофилиди, В. М. Павлий, Т. Абдуазимов, Л. У. Турдиев, Р. А. Усмонова, Р. И. Сайдакбарова ва бошқалар конференциянинг секция мажлисларида қатор илмий докладлар билан чиқдилар.

Докладларнинг кўпчилиги медицина практикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга бағишланди. Конференцияда инсон организмининг тараққиёти, айрим касалликларда организмда бўладиган ўзгаришлар, асаб касталиклари, айрим операцияларнинг организмга таъсири ҳамда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда морфология фанларининг ривожланиши ҳақида қизиқарли мунозаралар бўлди. Конференция ишларида Москва, Ленинград, Украина ва бошқа қардош республикаларнинг атоқли олимларидан М. Ғ. Привес, Д. А. Жданов, Н. И. Одноралов, А. А. Отелин, А. А. Браун, З. Ғ. Слюбодин, Д. М. Голуб, П. О. Исаев, В. Ғ. Елисеев, В. Н. Жеденов, С. Н. Касаткин, О. М. Бабак ва бошқалар иштирок этдилар.

Шуни қайд этиш лозимки, конференция ташкилотчилари бўлган Қирғизистон олимлари меҳмонларни жуда самимий кутиб олдилар.

М. ҒУЛОМОВ,
Тошкент медицина институтининг ассистенти.

ҚАЛБАКИ МАЪЛУМОТЛАР

РЕДАКЦИЯДАН ХАТ

Хатирчи районидаги баъзи раҳбарлар идора ишлари билан ўралашиб қолиб, қишлоқ хўжалик ишларига кам эътибор бермоқдалар. Бундан фойдаланган айрим колхоз раҳбарлари дала ишларининг борыши тўғрисида қалбаки маълумот бериб, кўзбўямачилик қилишмоқда.

Калинин номли колхознинг биринчи бригадасида бир гектар ҳам ерга чигит квадрат-уялаб экилмаган ҳолда, правление 60 гектар ерга квадрат-уялаб экилди, деб маълумот берган. Колхознинг бошқа бригадалари бўйича берилган маълумотлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Колхозда чигит оддий усулда пала-партиш экиб юборилган. Натижада кўплаб чигит исроф қилинди. Колхоз правлениеси ўз гуноҳини тан олиш ўрнига, «чигит чириб кетди» деган баҳона билан яна давлатдан қўшимча уруглик олди. Колхозда ғўза парвариши ҳам қониқарсиз аҳволда.

Бундай аҳволни райондаги бошқа колхозларда ҳам кўриш мумкин. Куйбишев номли колхозда ғўза сифатсиз культивация қилинмоқда, кўндалангига ишлаш жуда суст. Ғўзалар эса, деярли озиқлантирилмаётир.

Район мамлакатга пахта топшириш юзасидан катта мажбурият олган. Бироқ, колхозда ғўза парвариши олинган мажбуриятга яраша эмас.

Ягона кечиктирилиб юборилди. Кўпгина колхозларнинг ғўзасини ўт босиб кетган, Қишлоқ хўжалик техникаси кучидан фойдаланиш ҳам ёмон. Райондаги колхозларнинг правлениелари бу йил ҳам пахтани қўл билан териш ниятидалар.

Редакция газетхонлардан бу тўғрида келган хатни Хатирчи район партия комитетига текшириш ва чора кўриш учун юборган эди. Район партия комитетининг секретари Ўртоқ Саидназаров газетанинг бу сигналидан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига, «хатда келтирилган фактлар қисман тўғри. Бу масала район партия комитети бюросида кўрилиб, тадбирлар белгиланди» деган мужмал жавоб қайтариш билан кифояланди, холос. Ўртоқ Саидназаровнинг жавобидан хатда келтирилган фактларнинг қайси бири иккор қилиниб, қайсилари эътироф қилингани ва қандай тадбирлар белгиланганы маълум эмас. Кўзбўямачи кишиларга нисбатан ҳам лом-лим дейилмайди.

ҲАМЗА РАССОМЛАР ИЖОДИДА

Ўзбекистон рассомлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига қизғин тайёрланмоқдалар. Рассомлар тарихий ҳужжатларни, Ҳамза яратган асарларни, у яшаган муҳитни, Ҳамзаободни ўрганиб янги-янги расмлар ижод қилишга киришдилар.

Рассомлардан Раҳим Аҳмедов, Елизаров, Аликсей Винерлар Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид портрет расмлар чизяптилар. Рассом В. Фадеев «Ҳамза — омма орасида» деган темада ижод қилмоқда.

Малик Набиев ва Маннон Саидовлар ёзувчининг маърифат ва педагогика соҳасидаги фаолиятини акс эттирувчи асар устида ишламоқдалар.

Республиканинг кўзга кўринган ҳайкалтарошлари Ф. И. Гришенко, А. Н. Иванов, П. П. Челишев, ёш ҳайкалтарош М. Мусобоевлар Ҳамза ҳайкалини яратиш устида қизғин иш олиб боряётирлар. Г. Г. Массонц Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Ғофир образи — портретини яратаётир.

Рассомлардан В. Е. Кайдалов ёзувчи образини ёғочга ўйиб ва А. Назиров литографик расм чизишни мақсад қилиб олдилар.

В. И. Евенко «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — ўзбек адабиётининг қалдиргочи» деган темада плакат-расм тайёрлаяпти.

Пейзажчи рассомлар Ҳамза яшаган қишлоқда унинг ижодий фаолиятини ва турмушини акс эттирувчи асарлар ижод қилади. Ўзбек рассомлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг юбилей кунига бронза, керамика, мармар ёки ёғочдан ясалган ҳайкалларни, акварель, пейзаж ва литографик портретларни яратмоқдалар.

Р. ХАЛИЛОВА.

ИЛҒОРЛАР

НАВОИЙ, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Республикада энг кўп нур берувчи Навоий ГРЭСи қурила бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо техника воситаси билан қурилаётган бу станция тез қад кўтармоқда.

5 ой ичида 10 километрли темир йўл битказилди. Ҳозир қурилиш материаллари вагонларда келтирилмоқда. Бундан ташқари, бетон заводи ҳам ишга туширилди.

Бу ишда ўртоқ Э. Мамедов бошлиқ 13 кишилик бетончилар бригадаси яхши натижаларга эришиб, трубаларни бетонлаб бўлди. Ҳозир бу илғорлар изоляцион ишларни олиб боряётирлар.

Бу расмдаги йигитнинг номи бутун республикамизга машҳур. Очил Мўминовни донгдор қилган нарса — унинг фидокорона меҳнати бўлди. Бухоро область, Шофрикон районидаги Сталин номли колхознинг маккажўхорикор бригада бошлиғи Очил Мўминов маккажўхори энг қимматли, энг тўйимли экин эканлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам у бошлиқ бўлган бригада аъзолари «дала маликаси»ни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиб, рекорд ҳосил олишга муваффақ бўлмоқдалар. Комсомол йигит бошлиқ бригада бу йил 30 гектар майдонга маккажўхорни квадрат-уялаб экиб, икки томонлама парвариш қилди. Моҳир маккажўхорикорлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумн давом этаётган шу тарихий кунларда ўримни тамомладилар. Гектаридан 1000 центнердан ортиқ кўк поя ўриб олинди. СУРАТДА: Очил МУМИНОВ ҳулди ўрмонга ўхшаб кетган маккажўхоризорда.

В. СИРОТКИН фотоси.

АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

Мустақил Конго республикасига нисбатан империалистик интервенция муносабати билан Совет ҳукуматининг баёноти

13 июлда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Бельгиянинг Москвадаги элчиси И. Коолс жанобларини ва АҚШ ишлар вакили Э. Л. Фриирс жанобларини қабул қилди ҳамда уларга Конго мустақил республикасига нисбатан қилинган империалистик интервенция муносабати билан Совет ҳукумати баёнотининг текстини топширди. Совет ҳукумати баёнотининг тексти, шунингдек Буюк Британия элчиси сэр П. Райли, Франция элчиси М. Дежан жаноблари ва Германия Федератив Республикасининг СССРдаги муваккат ишлар вакили К. Х. Кноке жанобларига топширилди.

Айни бир вақтда СССР Ташқи ишлар министрлиги баёнотни Москвадаги ҳамма элчиҳоналар ва миссияларга юборди.

Совет ҳукумати, дейилади баёнотда, Конгода қуролли агрессия бошлаган Ғарб давлатларининг раҳбар доиралари зиммасига тушадиган оғир масъулият ҳақида огоҳлантиради ва бу агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилади.

СССР ҳукумати ҳисоблайдики, Конгода вужудга келган ҳамда тинчлик ва халқлар хавфсизлигига таҳдид тугдирадиган жиддий вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агрессияни тўхтатиш ва Конго мустақил республикасининг суверен ҳуқуқларини тўла тиклаш учун шошилинч чоралар кўриши керак.

Совет Иттифоқи бошқа тинчликсевар давлатлар сингари, дейилади баёнотда, Конго республикасига қарши хиёнаткорона агрессияни қаттиқ қоралайди. У, Африкадаги мустақил давлатлар ва халқларнинг Аккра ва Аддис-Абебада бўлган конференциясиларининг Африкада шармандалик мустамлака системаси ҳали сақланиб келаётган жойларида ҳамма мамлакатлар ва халқларга дарҳол мустақиллик бериш ҳусусидаги адолатли талабини тўла қўллаб-қувватлайди. (ТАСС).

ИРОҚ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Москва жамоатчилигининг йиғилиши

14 июлда Ироқ Республикасининг миллий байрами — Ироқ революциясининг икки йиллиги шарафига чет мамлакатдар халқлари билан дўстлик уйида Москва жамоатчилигининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Совет—Ироқ дўстлиги жамиятининг раиси, СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари М. А. Прокофьев очди.

Ироқ Республикасининг СССРдаги элчиси Абдил Ваҳоб Маҳмуднинг нутқи самимий кутиб олинди. (ТАСС).

ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ

ФИРИБГАР

Маҳмуд Толипов генерал Раҳимов номли колхоз территориясида яшайди, шу ерининг сувини ичади, нози-неъматларидан колхозчилар қатори фойдаланади. Лекин, унинг колхозга сариқ чақалик фойдаси тегмайди. Аксинча у, коллектив хўжаликдан меҳнат қилмай юлишга ҳаракат қилади. Юлганда ҳам чакана эмас, кўтарасига юлади!

Колхоз раҳбарлари Толиповга кўпгина ишни таклиф қилдилар, лекин унга бирон иш ҳам маъқул бўлмади. У, колхоз меваларини узоқ шаҳарларга олиб бориб, пуллаб келишга моҳирлигини айтди. Колхоз раҳбарлари унинг сўзига лаққа тушиб, бир неча тонна олма билан Нижний-Тагиль шаҳрига жўнатдилар.

Толиповга колхознинг пошиш туя қилиб жигилдонига уришга йўл очилди. У, бир килограмм олмани Нижний-Тагилда 18 сўмдан пуллади. Лекин колхозга келиб олманинг килограммини 5 сўмдан сотдим, деб туриб олди. Фирибгарликни исботлаш учун қалбаки ҳужжатларни ҳам пеш қилмоқда.

Колхоз раҳбарлари ишламай тишлашга ўрганиб қолган Толипов кабиларга қарши қурашиш ўрнига уларнинг эркин ҳаракат қилишларига йўл очиб бергانликлари учун афсусланмоқдалар. Лекин, улар кечикдилар!

Н. САИДОВ

Калинин райони.

ҚЎШИНЛАР ЧИҚИБ КЕТСИН!

НЬЮ-ЙОРК, 14 июль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Д. Хаммаршельднинг илтимосига мувофиқ, 13 июль кечқурун Конго республикасида вужудга келган аҳвол муносабати билан, Хавфсизлик Кенгашининг шошилинч мажлиси чақирилди.

Бош секретарь Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида Конго ҳукуматидан телеграммалар олганлигини ва бу телеграммаларда Бельгия қўшинларининг интервенцияси сабабли ёш республикага БМТ томонидан қуролли ёрдам берилиши илтимос қилинганлигини айтди. «Бу ҳаракатлар ҳамда уларнинг юридик ва сиёсий аспектлари ҳақида ўз фикрини айтиш бош секретарнинг иши эмас, — деди Хаммаршельд, — аммо Конго ҳукуматидан олинган хабарлардан мен шундай хулоса чиқаришим керакки, бу қўшинларнинг (Бельгия қўшинларининг. — Ред.) туриши ички, потенциал жиҳатдан эса халқаро кескинликнинг ҳам манбаидир. Бундай шароитда, — ўқтириб ўтди у, — Бельгия қўшинларининг туриши миллий хавфсизлик қўшинлари ёрдами билан тартиб тикланишига қадар қониқарли муваккат қарор деб қабул қилина олмайди».

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

Шундан кейин Тунис вакили М. Слим сўз олиб, Бельгиянинг Конго ички ишларига аралашувини оқлаб бўлмайдиган агрессия ҳаракати деб характерлади. Жумладан, у Конгода қон тўкиш Бельгия қўшинлари аралашгандан кейингина бошланганлигини эслатиб ўтди. М. Слим Тунис делегацияси номидан резолюция лойиҳасини киритди. Резолюция лойиҳасида Бельгияни Конго территориясидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга чақириш таклиф этилади. Шунингдек резолюция лойиҳаси БМТ бош секретари зиммасига Конго ҳукумати билан маслаҳатлашиб, Конгога ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун ҳамма чораларни кўриш вазифасини юклайди.

АҚШ вакили Г. Лодж ҳамма фактларга қарамай, Конгога қарши «ҳеч қандай агрессия қилингани йўқ», деб даъво қилди ва республикада вужудга келган аҳволнинг айбдорларини излаш учун вақт сарф қилмасликка чақирди.

Хавфсизлик Кенгаши мажлисида сўзга чиққан Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев бундай деди: Мустамлакачиларнинг Конгога қарши ҳаракатлари бутун дунё халқларини газаблантирди. «Конгодан қўлингни торт!» деб яқдиллик билан қилинган талаб ер юзининг ҳамма қисмларидан эшитилиб турибди. Конгода рўй берган воқеаларга Совет Иттифоқининг муносабати ва бу воқеаларга берилган баҳо Совет ҳукуматини БМТга аъзо бўлган барча давлатлар ҳукуматларига юборган баёнотида баён этилган.

Италия вакили БМТ бош секретарининг Конгога БМТ халқаро кучларини юбориш ҳақидаги таклифини қувватлади. Шу билан бирга у Бельгиянинг Конго республикаси ички ишларига қуролли аралашуви «интервенция эмас, балки хавфсизлик мақсадидаги муваққат чора» деб даъво қилди.

Англия ва Франция вакиллари ҳам агрессорни оқлаб, Бельгия қўшинлари Конгога «инсонпарварлик мақсадлар билан» киритилди, деб даъво қилдилар.

Совет вакили А. А. Соболев Тунис вакили тақдим этган резолюция лойиҳасига тузатишлар киритди. Бу тузатишлар Бельгиянинг қуролли агрессиясини қоралашни таклиф этади ва Конгога БМТ аъзоси бўлган Африка давлатлари томонидан ҳарбий ёрдам берилсин, деб тавсия қилади. Бироқ бу тузатишларни Хавфсизлик Кенгашида кўпчиликни ташкил этган мустамлакачи давлатлар ва уларнинг иттифоқчилари бўлган давлатлар вакиллари рад этдилар.

Сўнгра Туниснинг резолюция лойиҳаси овозга қўйилди. Лойиҳа 8 овоз билан қабул қилинди, 3 делегат бетараф қолди. Резолюция лойиҳасини ёқлаб Тунис, СССР, Польша, Цейлон, Аргентина, АҚШ, Эквадор, Италия овоз берди. Англия билан Франция, шунингдек чанкайшичи бетараф қолдилар.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

«Хавфсизлик Кенгаши,

Конго республикасига нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чоралар кўриши тўғрисидаги илтимос ҳақида бош секретарнинг докладини қараб чиқиб,

Конго республикаси президенти ва бош министрининг ҳарбий ёрдам сўраб, бош секретарь номига юборган илтимосини (С/4382 ҳужжат) қараб чиқиб,

Бельгия ҳукуматини ўз қўшинларини Конго республикаси территориясидан олиб чиқиб кетишга чақиради,

Конго ҳукуматининг куч-ғайрати натижасида ва БМТнинг техника ёрдами билан миллий хавфсизлик кучлари, ҳукуматнинг фикрича, ўз вазифасини удда қилишга тамомила қодир бўлгунча, бош секретарга Конго республикаси ҳукумати билан маслаҳатлашиб, унга зарур бўлган ҳарбий ёрдам кўрсатиш йўлида зарур чоралар кўриш учун ваколат беради,

бош секретардан зарур бўлишига қараб, Хавфсизлик Кенгашига маълумот бериб туришни сўрайди».

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

КАСАБА СОЮЗЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ МАРКАЗИЙ СОВЕТИНИНГ БАЁНОТИ

ВЦСПС япон маъмурларининг Япония касаба союз раҳбарлари, активлари ва меҳнаткашларидан ялпи суратда ўч олаётганликлари ва уларни таъқиб қилаётганликларига қарши совет касаба союзлари аъзоси бўлган миллион-миллион ишчилар ва хизматчилар номидан қатъий норозилик билдиради.

Америка—Япония ҳарбий шартномасига қарши чиқиш қатнашчиларини таъқиб қилиш юзасидан бошланган кампания шуни кўрсатиб турибдики, Япониянинг энг реакцион ҳукмрон доиралари Пентагондаги ҳарбийлар юргизаётган агрессив сиёсатга ҳамон амал қилмоқдалар. Бу доиралар ўз тақдирларини АҚШ милитаристлари билан боғлаб, мамлакат территориясида Америка ҳарбий базаларини сақлаб қолишга, Япониянинг тинчликсевар сиёсати учун курашаётган халқ ҳаракатини бостиришга интилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси япон ҳукуматининг элементар демократик ҳамда касаба союз эркинликларини кўпол равишда бузаётганлигидан далолат бериб турибди.

ВЦСПС ўзларининг ҳаётий манфаатлари учун, бутун дунёда тинчлик учун, зўр бериб қуролланишга қарши мардона ва адолатли кураш олиб бораётган Япониянинг меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига ўзининг қардошлик бирдамлигини изҳор қилади.

Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети.

МЕКСИКА АШУЛАЧИСИНИНГ БИРИНЧИ КОНЦЕРТИ

Свердлов номидаги концерт залида Латин Америкаси ғалқлари қўшиқларининг катта кечаси бўлди. Бу қўшиқларни Совет Иттифоқига гастролга келган Мексика ашулачиси Элиа Касановас хоним ижро этди.

Мексика артисти СССР да берган биринчи концерти программасига Мексика, Куба, Бразилия, Парагвай, Колумбия, Венесуэла ва Перунинг жанр жиҳатидан хилма-хил ашулаларини киритган эди. Пойтахтимиз меҳмони негр поэзиясининг музикавий оҳангдорлиги ёркин акс эттирилган бир қанча шеърларни ҳам зўр маҳорат билан ижро этди. Бу шеърларнинг хусусияти шундаки, улар барабан жўр бўлгани ҳолда ижро этилиб, қисман декламация қилинса, қисман қўйланади. Бу шеърларнинг авторлари Куба шоири, халқаро Тинчлик мукофоти лауреати Николос Гильен, шоир Рубен Карабула ва бошқалардир.

Концертнинг иккинчи бўлими «Гуллар байрами», «Эль мариачи», «Аделита» ва бошқа мексика халқ қўшиқларидан иборат эди. Элиа Касановас хоним Москва музикачиларининг эстрада ансамбли жўр бўлгани ҳолда ашулалар айтди. Мексика ашулачисининг биринчи концерти зўр муваффақият билан ўтди.

(ЎзТАГ).

——☆ ☆——

СУРАТДА: Мексика ашулачиси Элиа КАСАНОВАС.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

100 ТОННА БАЛИҚ

УРГАНЧ («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг Янгиариқ, Хева ва Ҳазорасп районларида қўллар жуда кўп. Бу қўлларда лаққа, сазан, суван ва бошқа балиқларни қўплаб овлаш мумкин.

Областнинг Янгиариқ районидаги балиқчилар қўлларда 1960 йил балиқ овлаш планини август ойи ичида тамомлаш учун курашмоқдалар. Моҳир балиқчилардан Т. Гадоев, М. Матчонов, Ж. Оллоберганов лар кунлик балиқ овлаш планларини 150—160 процент бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар бу йил қўллардан 100 тонна балиқ овлаш ва балиқларни қўплаб урчитиш мажбуриятини олганлар.

Қорақалпоғистон АССР. Надежда Габасова Гурьевск балиқ техникумини тамомлагандан кейин Порлатаус балиқ заводига ишга келди. У, ҳозир мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаётир. Ўртоқ Габасова Ўрта Осиё политехника институтининг сиртқи бўлимига ўқишга киришга тайёрланмоқда. СУРАТДА: Н. ГАБАСОВА балиқ сифатини текшириб кўрмоқда.

Н. МЕДВЕДЕВ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш авж олдирилган ҳозирги пайтда партия ва ҳукуматимиз давлат ва гражданлар мулкини ёнғиндан сақлаш ишларига ҳам айниқса катта аҳамият бермоқдалар. Ёнғинга қарши кураш бошқармаларининг ходимлари бу соҳада аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораётирлар. Кўнгилли ўт ўчириш командалари тузилиб, ўт ўчириш қоидалари ўргатилмоқда. Ёнғиндан сақланиш чоралари, киргоғаз, примус, керосинка каби рўзғор буюмларидан эҳтиётлик билан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида вақти-вақти билан брошюра ва плакатлар чиқариб турилибди.

Бироқ айрим кишиларнинг беэҳтиётлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида ҳали ҳам баъзан ёнғин чиқиб, кўнгилсиз натижаларга олиб келмоқда.

Самарқанд областидаги тамакичилик совхозидан бир ишчининг керосинкадан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши фожиали оқибатга олиб келди.

Тошкент шаҳар, Чайковская кўчасида истиқомат қилувчи ўқитувчи Л. А. Кислова эҳтиётсизлик оқибатида жиддий зарар кўрди.

Ёнғин кўпинча назоратсиз қолдирилган ёш болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида ҳам келиб чиқаётир. Олмалиқ шаҳрида яшовчи Кирсанова деган аёл икки ёш боласини уйда қолдириб, устидан қулфлаб кетган. Болалар гугурт ўйнаб, ёнғин чиққан.

Баъзи кашандаларнинг оддий қоидаларга риоя қилмасликлари ҳам ёнғинга сабаб бўлаётир. Тошкентдаги 103-мактаб ёрдамининг хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси ўртоқ Валяльшчиков ёнғин хавфига қарши кураш чораларини амалга ошириш ўрнига, ўзи чекиб турган папиросини чала ташлаб кетган. Натижада унинг кабинетига ўт тушди.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, баъзи кишилар ёнғиндан сақланиш қоидаларига риоя қилмаётирлар. Улар кичик бир эҳтиётсизлик ҳам жуда хунук оқибатларга олиб келишини эсдан чиқариб қўймоқдалар.

Ҳар нарсанинг эҳтиёти яхши деганларидек ўтдан ҳам эҳтиёт бўлишгани яхши. Ёнғинга йўл қўймаслик учун ёнғиндан сақланиш қоидаларига доим риоя қилиш, озгина бўлса ҳам тартибсизликка йўл қўймаслик керак.

Уйдами, ишдами, қаерда бўлмасин ёнғинга қарши эҳтиёт қоидаларига амал қилайлик. Шундай қилинганда халқимиз меҳнати билан яратилган моддий бойликларимиз ва мулкимизни ёнғиндан сақлаб қолган бўламиз.

В. Е. ПАРАДА,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

«ҚУБАГА ТЕГМАНГ!»

МОНТЕВИДЕОДА МЕҲНАТКАШЛАР МИТИНГИ

МОНТЕВИДЕО, 14 июль. (ТАСС). Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг халқлари сингари Уругвай халқи ҳам қаҳрамон Куба халқига қарши қуролли агрессия тайёрлаётган Америка империализмининг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибди. Мамлакатдаги кўпдан-кўп касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа халқ ташкилотлари баёнотлар эълон қилмоқдалар. Бу баёнотларда улар Куба революцияси ва Куба халқи билан бирдам эканликларини изҳор қилиб Гватемалада бўлган воқеанинг Кубада ҳам такрорланишига йўл қўймаслик учун қатъий қарор берганликларини таъкидламоқдалар.

Монтевидеода ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Кубани ҳимоя қилиш юзасидан меҳнаткашларнинг намойишлари, митинглари ва йиғилишлари ўтказилмоқда.

Уругвай ёшлари ҳамда меҳнаткашларининг Монтевидеода бўлган оммавий намойиши «Янки, Кубадан қўлингни торт!», «Кубага тегилмасин!», «Куба яшасин, янкилар йўқолсин!» деган шиорлар остида ўтди. Емгир ёғиб турганлигига қарамай, намойишчилар колоннали шаҳарнинг марказий кўчаларидан «Озодлик» майдони томон тинмай ўтиб турдилар. Бу ерда Кубани ҳимоя қилиш митинги бўлди. Мамлакатдаги хилма-хил ёшлар ташкилотларининг вакиллари ана шу митингда нутқ сўзлаб, Америка империалистларининг Кубага қарши юргизаётган агрессив сиёсатини кескин қораладилар ҳамда Уругвай халқи ҳамиша Куба халқи томонида турaверади, деб айтдилар.

Уругвай коммунистик ёшлар союзининг вакили Вальтер Сансевьеро бундай деди: «Гватемалага қарши қилинган шармандали агрессия замонлари энди ҳеч қачон такрорланмайди, чунки Куба халқи ўз ҳукумати билан маҳкам бирлашди, чунки Латин Америкасидаги халқларнинг ҳаммаси қаҳрамон Куба халқи билан биргаликда турибди, чунки, Мексика, Миср, Индонезия, Хитой, Совет Иттифоқи халқлари, барча мамлакатларнинг халқлари қаҳрамон Куба халқи билан биргаликда турибди. Ана шу халқлар империализмга «Сизнинг замонангиз тамом бўлди, жаноблар», деб айтдилар.

КОНГОДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 13 июль. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, бугун Бельгия парашютчилари Конго республикасининг пойтахти — Леопольдвилга кириб келганлар.

НЬЮ-ЙОРК, 13 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Леопольдвилдан хабар беради:

Гранаталар ҳам ишлатилган қизғин отишмадан кейин бугун бельгиялик парашютчилар Леопольдвиль аэропортини конголик қўшинлардан тозалаганлар. Конголик бир солдат ўлдирилган ва бир солдат яраланган.

ФИТНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 14 июль. (ТАСС). Давлат департаментининг вакили Линкольн Уайт кеча матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Конго қирғоқларига Америка авианоси юборилаётганлигини айтди. Уайтнинг айтишича, авианоса «зарурат туғилган тақдирда эвакуация қилишда ёрдам кўрсатиш» ҳақида топшириқ берилган.

Ж. КЕННЕДИ — АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА КАНДИДАТ

ЛОС-АНЖЕЛОС, 14 июль. (ТАСС). Кеча АҚШ демократик партиясининг съездида Америка Қўшма Штатлари президенти лавозимига кандидатлар сайланди. Сенатор Жон Кеннеди АҚШ президенти лавозимига демократик партиядан кандидат қилиб яқдиллик билан сайланди.

КИСИГА СУИҚАСД

ТОКИО, 14 июль. (ТАСС). Бу ерда маълум бўлишича, бош министр Кисига суиқасд қилган киши полиция томонидан қамоққа олинган. Суиқасд қилган киши ўта ўнг сиёсий партия ташкилотига мансуб бўлиб, либерал-демократик партияда хизмат қилар эди. Кисининг жароҳати унчалик жиддий эмас.

АФРИКАНИНГ ЯНГИ ДАВЛАТЛАРИ

ПАРИЖ, 12 июль. (ТАСС). Франция бош министри Мишель Дебре ва Африкадаги уч давлат (француз иттифоқига кирадиган давлатлари) раҳбарлари — Конго республикасининг президенти Фюльбер Юлу, Чад республикасининг бош министри Томбалбайе, Марказий Африка республикаси ҳукуматининг бошлиғи Давид Дако бугун бу давлатларнинг мустақиллигини тасдиқлайдиган битимни имзоладилар. Битимда кейинги вақтларгача француз иттифоқи умумий органлари қарамоғида бўлган функция ва ваколатларнинг француз маъмурлари томонидан ана шу территориялар ҳукуматларига топшириш кўзда тутилади.

Бундан ташқари ҳамкорлик ҳақидаги битим деб аталадиган битимлар дастлабки имзоланди. Бу битимлар ана шу уч давлатнинг француз иттифоқидаги янги мавқеи ва уларнинг Франция билан янги муносабатларини белгилайди.

Бу битимлар мустақиллик эълон қилинганидан кейин имзоланади.

ИКЕДА ЯПОНИЯ ҲУКМРОН ПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАНДИ

ТОКИО, 14 июль. (ТАСС). Ҳукмрон либерал-демократик партиянинг бугун бўлиб ўтган съездида Киси ўрнига Хаято Икеда кўпчилик овоз билан партия раиси қилиб сайланган.

Хаято Икеда либерал-демократик партиянинг раиси қилиб сайлангандан кейин бош министр лавозимига кандидат бўлиб қолди.

Хабар берилишича, Киси ҳукумати эртага истеъфога чиқади.

Правда Востока

Газетада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида Информацион билдириш ва Пленум тўғрисидаги ҳисобот босилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида пахтани машинада теришга тайёргарлик кўришнинг бориши тўғрисида»ги қарори ҳам газета саҳифасидан жой олган.

Н. Александровнинг «Болаларга бағишланган ҳаёт» сарлавҳали мақоласида ўқитувчиларнинг шарафли ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Газетадан Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг Тошкент. га келишига бағишланган материал ҳам ўрин олган.

В. Сизовнинг мақоласи «Катта футболнинг истиқболи ёшларда» деб номланган. Газетада маҳаллий ва чет эл хабарлари ҳам бор.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—16/VII да **Майсаранинг иши**, 17/VII да кундуз **Этик нийган Мушук**, кечқурун **Оқнуш кўли.**

АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 16/VII да **Ишқ билан ўйнашма**, 17/VII да **Лайли ва Мажнун.**

КИНО

Акуланинг тиши — қишки «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 12 да), «СПУТНИК» (кундуз 2, кеч 6, 8 ва 10 да), ёзги «ВАТАН» (кеч 9-10 ва 10-50 минутда).

Руслар совғаси — қишки «ВАТАН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да), «МИР», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз 12 ва 4 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9-10 минут ва 11 да), «ПОБЕДА» (кеч 9-15 минут ва 11 да).

Баҳорда бўлган воқеа — қишки НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «УДАРНИК» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 9-10 минут ва 11 да).

Биринчи кўришиш — «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК» (1-залда), «ДРУЖБА» (2-залда) — кундуз ва кечқурун, КАФАНОВ номли (кеч 9-10 ва 10-45 минутда), «ХЕВА» (кеч 9-15 минут ва 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минут ва 11 да), қишки СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 6 ва 10 да).

Уғлим уйланади — қишки «ВАТАН» (кундуз соат 2 ва 4 да).

Кабирия тунлари — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 8 ва 10 да).

Танишув — қишки СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Буюк Карузо — «ИСКРА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Мексика серенадаси (кундуз ва кечқурун). **Кор эртаги** (эрталаб соат 11, кундуз 12 ва 1 да) — «ДРУЖБА».

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон композиторлар союзи, В. И. Ленин номли пионер ташкилотининг Республика совети ва «Ғунча» журнали БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА БОҒЧА ЕШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭСТЕТИК ЗАВҚИНИ ОШИРИШГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН

ҚЎШИҚЛАР УЧУН конкурс эълон қиладилар

Конкурсга боғча болалари ва октябрятларга мўлжаллаб турли темада ёзилган: хор қилиб айтиладиган, ўйин тушиб айтиладиган, юриб айтиладиган, якка айтиладиган қўшиқлар, лапарлар қабул қилинади.

Конкурсда истаган шоир, композитор ва ҳаваскорлар қатнаша олади.

Конкурс шартлари: конкурсга юборилаётган асарларга фақат авторнинг девизигина ёзилади. Кейин кичик конверт олинади ва унинг устига ҳам шу авторнинг девизигина ёзилиб, ичига шоир ва композиторнинг аниқ исми, фамилияси, уй адреси ёзилган қоғоз солиб ёпиштирилади. Сўнгра кичик конверт асар билан бирга катта конверт ичига солиб ёпиштирилади. Конверт устига: «Тошкент. Навоий кўчаси, 30-уй, «Ғунча» журнали редакцияси, конкурсга» деб ёзилади.

Юборилаётган қўшиқ нотаси ва тексти нота дафтарига тоза ёки сиёҳ билан ёзилган бўлиши шарт. Ундан ташқари, текст алоҳида қоғозга ҳам ёзилади ва қўшиб юборилади.

Энг яхши қўшиқ (хор, марш, якка ҳолда қўшиқ, лапар)лар учун қуйидаги мукофотлар белгиланади: 5,000 сўмлик битта биринчи мукофот, ҳар бири 2,500 сўмлик иккита иккинчи мукофот, ҳар бири 1,500 сўмлик иккита учинчи мукофот.

Мукофотлар шоир билан композитор ўртасида; текст учун — 40, музика учун — 60 процент миқдорида тақсимланади.

Конкурс шу эълон матбуотда чиққан кундан бошланади. Асарлар 1960 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Матбуотда босилганда, мукофотдан ташқари гонорар ҳам тўланади.

Конкурс натижалари 1960 йил 15 ноябргача эълон қилинади.

Конкурс жюриси.

2-шампань винолар заводи

манфаатдор ташкилотларга ҳар қанча миқдорда

шампань шишалари сотади

Бундай шишалар вино ҳамда техник суюқликлар (лак, елим, турли мой) қуйиш учун ярайди.

Адрес: Тошкент шаҳар-7, Ново-Ульяновская кўча, 186-уй. Телефон— 31-402, коммутатор — 29-121.

Наққошлик кўчаси, 1-тупик, 84-уйда турувчи **Собит Ҳайитовнинг** шу уйда турувчи Холписа Алимова Ҳайитовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Котов кўчаси, 7-уйда турувчи **Ҳасан Хўжаевнинг** шу уйда турувчи Раҳима Жонгуловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

ФУТБОЛ

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классида бўйича иккинчи группада қатнашаётган футбол командаларининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Москвалик армия футболчилари ленинградлик «Адмиралтеец» спортчилари билан учрашдилар. Бу ўйинда ленинградликлар ғайрат билан ўйнаб, армия футболчиларини 4:1 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар. Москвалик «Спартак» ҳамда «Локомотив» командалари билан бўлган учрашувда ҳар иккала томон дарвозага биттадан тўп киритиб, ўйинни дуранг қилдилар.

Минск шаҳрида бўлиб ўтган мусобақа ҳам шиддатли кураш остида ўтди. Маҳаллий «Белорусь» командаси киевлик «Динамо» командаси устидан 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонди. Вильнюс шаҳрининг «Спартак» командаси Олмаота шаҳрининг «Ғайрат» командасига 0:1 ҳисоби билан ютқазди.

«Крылья Советов» (Куйбишев) командаси «Шахтёр» (Сталино) командаси дарвозасига икки тўп киритиб, ўз дарвозасидан битта ҳам тўп ўтказмади.

2-ГРУППАДАГИ КОМАНДАЛАРНИНГ ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

Командалар	Ўйин	Очко
Адмиралтеец (Ленинград)	16	21
«Локомотив» (Москва)	16	21
«Спартак» (Москва)	15	19
Армия марказий спорт клуби (Москва)	16	19
«Белорусь» (Минск)	15	19
«Динамо» (Киев)	15	18
«Крылья Советов» (Куйбишев)	15	14
«Шахтёр» (Сталино)	15	12
«Ғайрат» (Олмаота)	16	12
«Нефтянник» (Боку)	15	9
«Спартак» (Вильнюс)	16	6

Редактор И. РАҲИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР —26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 27604, Пропаганда — 31226, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 31524, Маҳаллий яҳборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 10016. Нашр. А. № 165.